Tadqiqot.uz

YANGI O‘ZBEKISTON: ILMIY TADQIQOTLAR

CONFERENCES.UZ
2026
DAVRIYLIGI: 2018-2026

DUNYO TARIXIDA KOSMOSGA UCHGAN BIRINCHI INSON



ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES | RESPUBLIKA KO‘P TARMOQLI ILMIY KONFERENSIYA

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORIJIY OLIY TA’LIM MUASSASALARI PROFESSOR-O‘QITUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR, MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR

TOSHKENT SHAHAR, AMIR TEMUR KO‘CHASI, PR.1, 2-UY.
+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00
WWW.TAQIQOT.UZ
WWW.CONFERENCES.UZ

OKTYABR
№93

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР 1-ҚИСМ

НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН: НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ ЧАСТЬ-1

NEW UZBEKISTAN: SCIENTIFIC RESEARCH PART-1

ТОШКЕНТ-2026

УЎК 323(575.1)(063)
КБК 66.3(5Ў)я43
И-18
DOI 10.5281/zenodo.11390854

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: Илмий тадқиқотлар» [Тошкент; 2026]

«Янги Ўзбекистон: Илмий тадқиқотлар» мавзусидаги республика 93-кўп тармоқли илмий маърифий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2026 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2026. – 64 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Ҳаракатлар стратегияси — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ: — илмий изланиш ютукларини амалий-тажриби жиҳат йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.
Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талабалар-иштирокчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилиб бориб, унда таълим тизимида илғор замонавий ёндашувлар, натижалар, муаммолар, ечимлар, статистик вазиятлар ва илмий-тараққиётнинг истиқболли режалари таҳлил қилинади конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонови, ю.ф.д., доцент

1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши -
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар -
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар –
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни-
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви-
Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети "Беш муҳим ташаббус" маркази раҳбари)

6.Журналистика-
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар –

Самигова Умида Хамидуллаевна (“Kinder land of Asia” НТМ ўқув ва тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари)

8.Адабиёт-
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни -
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар -
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, таржимонлик факультети, инглиз тили амалий таржимаси кафедраси в.б.доценти, PhD)

11.Жисмоний тарбия ва спорт-
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши -
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши -
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)
14.Тасвирий санъат ва дизайн-
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт-
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар -
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари -
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар –
Зупарова Зулфия Ахрор қизи DSc (Тошкент тиббиёт академияси фармакология кафедраси доценти, фармацевтика фанлари доктори)

19.Фармацевтика
Жалилов Фазлиддин Содиқович DSc (Альфраганус университети, фармацевтика ва кимё кафедраси мудири, фармацевтика ва кимё фанлар доктори, профессор)

20.Ветеринария
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

21.Кимё фанлари ютуқлари -
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар -
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари -
Проф. Хамидов Мухаммадхон Хамидович "ТИИМСХ"

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар -
Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География- Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси
© Tadiqiqot.uz

Page maker/Верстка/Сахифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакции журнала.
www.tadqiqot.uz
ООО Tadiqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; E-mail:
info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of
www.tadqiqot.uz
Tadiqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; E-mail:
info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

ҲИСОБ ПАЛАТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МИСОЛИДА

Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
“Солиқ ва солиққа тортиш” кафедраси доценти (DSC)

Аннотация: Ҳисоб палатаси фаолиятини халқаро стандартлар асосида яанада такомиллаштириш ҳамда давлат бошкарувида молиявий назоратнинг ўрни ва ахамияти ёритилган. Ҳисоб палатаси фаолияти бўйича амалдаги ҳолат, фармон ва қарор лойиҳаларида назарда тутилган таклифлар ҳамда Россия Федерацияси Ҳисоб палатаси фаолияти бўйича 2018-2024 йилларда ривожланиш стратегияси ўрганиб чиқилган. Давлат молиявий назорати билан боғлиқ муаммолар келтирилган ва уларни бартараф этиш йўллари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: аудит, бюджет, халқаро стандартлар, ички аудит, Россия Федератцияси, ички назорат, молиявий ҳисобот, Ҳисоб палатаси, молиявий назорат, тафтиш.

Кириш

Иқтисодий амалиётда бюджет ташкилотларида назорат тизимини янада такомиллаштириш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, бюджет ташкилотларини ички аудит хизмати молиявий ҳисобот маълумотларининг ишончлилигини таъминлаш ва бюджет смета интизомини мустаҳкамлашда қўлланиладиган муҳим услубиятга айланмоқда. Маълумки, Давлат бюджети давлатнинг марказлаштирилган маблағлар жамғармаси бўлиб, у давлатнинг вазифаларини бажаришни молиялаштиришга йўналтирилади. Кейинги йилларда барча мамлакатларда давлат бюджетининг аҳамияти ошиб бормоқда. Бунда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти ҳам ошиши табий ҳолат сифатида кузатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги “Давлат молиявий назорат тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги [1] ПФ-6300-сон Фармонида Давлат молиявий ресурсларини самарали бошқариш ҳамда бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш устидан давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштириш бўйича вазифалар белгиланиб, мазкур вазифалар ижроси бўйича 2022 йил 1 январдан бошлаб Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган назорат шакллари ва турларига қўшимча қуйидагилар амалиётга жорий этилади.

Таҳлил ва натижалар


Олиб борилган тадқиқотларимиз асосида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини халқаро стандартлар асосида яанада такомиллаштириш, ташкилотлардаги муаммолар ҳамда тизимли муаммоларга эътибор қаратиш муҳим деб ҳиссоблаймиз ва шу билан бирга Ҳисоб палатаси тизимини такомиллаштириш юзасидан хорижий мамлакатлар асосида берилган таклифлар кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати Департаменти томонидан ўтказилган назорат тадбирлари тўғрисида маълумот.

Жадвал 1

Кўрсатгичлар	Йиллар								
	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Ўтказилган текширишлар сони	8217	1049	6164	8641	10741	11625	7047	8074	4229
Қонунбузарлик суммасининг бюджет даромадларидаги салмоғи,(%)	0.45	0.42	0.46	0.62	0.44	0.24	0.11	0.21	0.46

Ушбу жадвал маълумотларига асосан давлат бюджети ижроси юзасидан ўтказилган текширувлар сони 2013-2014 йилларга нисбатан қисқарган ва 2015-2017 йиллари кўпайганлигини, 2018-2020 йилларяна эса камайганлигини кузатишимиз мумкин. Сўнгги йилларда текширишлар сони камайганбўлсада, қонунбузарлик суммаларининг бюджет даромадидаги салмоғи ўсганлигини кузатишимиз мумкин. 2018 йилдан Молиявазирлиги Давлат молиявий назорати Департаменти томонидан бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан назорат тадбирларида замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва маълумотлар базаси воситасида камерал назоратдан кенг фойдаланиш йўлга қўйилганлиги сабабли назорат текширувлари сони қисқарган.



1-расм. Ҳисобот даврида Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати Департаменти томонидан маҳаллий бюджетлар маблағларидан фойдаланиш жараёнида аникланган қонунбузилиш ҳолатлари

Манба: *Молия вазирлигининг расмий сайти маълумотлари асосида хамда бошқа муаллифлар томонидан олинган.*

Хулоса ва таклифлар

- Биз фақатгина молиявий текширишларни ўтказмаймиз, балким **Давлат бошқарувини такомиллаштирамиз**, иқтисодиётда, энг аввало бюджет соҳасида тенденцияларни баҳолаймиз.
- Бундан кейин якуний **натижага эришиш учун ресурслардан тўғрироқ ва самаралироқ фойдаланиш юзасидан тавсиялар берамиз**.
- Бутун дунёда, айниқса ривожланган мамлакатларда стратегик аудит, яъни **натижадорлик аудити** ривожланмоқда.
- Ҳозирги кунда стратегик аудит улуши ҳали **12-13 %** даражасида. Лекин ушбу фаолиятни апробациядан ўтказганимиздан кейин 2 йилдан сўнг биз стандартни тасдиқладик, ходимларни ўқитдик ва бутун дунёда кенг қўлланилаётган янги ёндошув асосида фаолиятни йўлга қўймоқдамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни

2. Алборов Р.А., Хоружий Л.И., Концевая С.М. Основы аудита: Учебное пособие. —М.: Издательство «Дело и Сервис», 2001. —224 с.

3. Адамс Р. Основы аудита: Пер. с англ./ Под ред. Я.В. Соколова. —М.: Аудит, ЮНИТИ, 1995. —398 с.:

4. Грачева Е. Финансовое право. Учебник. –М.: Проспект, 2014. 580 стр.

5. Аренс А., Лоббек Дж. Аудит: Пер. с англ./ Гл. редактор серии проф. Я.В.Соколов. -М.: Финансы и статистика, 1995. —560 с.

ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БЮДЖЕТ ВА БЮДЖЕТ НАЗОРАТИНИНГ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛИ

Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
“Солиқ ва солиққа тортиш” кафедраси доценти (DSC)

Аннотация: *Тадқиқот ишимиз бюджет ташкилотларда бюджетлаштириш ва бюджет назоратини тизимли кўриб чиқишга каратилиб ва бюджет ташкилотларида бюджет назоратини қай даражада муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, бюджет муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлашга эътибор қаратилган.*

Калит сўзлар: *бюджетлаштириш, бюджет назорати, самарали бошқарув.*

Аннотация: *Наше исследование направлено на систематический обзор бюджетирования и бюджетного контроля в бюджетных организациях и направлено на укрепление бюджетной дисциплины в бюджетных учреждениях с учетом важности бюджетного контроля в бюджетных организациях.*

Ключевые слова: *бюджетирование, бюджетный контроль, эффективное управление.*

Кириш

Бюджет ва бюджет назорати масъул раҳбарлари томонидан истиқболдаги мақсадларни белгилашни ва ташкилот режалаштирилган умумий тадбирларни самарали ифодалаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган жараённи лойиҳалашни ўз ичига олади. Режалаштирилган тадбирларнинг молиявий нуқтаи назардан миқдорини аниқлаш бюджетлаштириш, исталган натижани кафолатлашнинг самарали механизмини яратиш эса бюджет назорати деб номланади.

Бюджетлаштириш, хоҳ у давлат, хоҳ у хусусий корхона (ва) ёки ташкилот бўлишидан қатъий назар уларни бошқаруви учун асосий сиёсат воситасидир. Давлат доирасидаги бюджетлар корхоналар ёки бизнес соҳасида қўлланилишидан анча олдин пайдо бўлган. Жаҳон урушларигача бўлган барқарор иқтисодий шароитда, бир нечта йирик корхоналар, хусусан, АҚШ ва Буюк Британияда турли мақсадларда бюджетдан фойдаланганлар. Бюджетлардан фойдаланиш ўзига хос қарама-қаршиликларни келтириб чиқарди, чунки баъзи йирик компаниялар бюджетни бошқарув учун муҳим восита сифатида қайд этишган, бошқалари эса самарадорлик ва маҳсулдорликка салбий таъсир кўрсатиши ҳақида хабар беришган.

Таҳлил ва натижалар

Жисмоний шахслар бутун оила учун оиланинг даромад манбаларини ва уларнинг кундалик харажатларини кўрсатадиган уй хўжаликлари бюджетларини тузадилар. Худди шу тарзда, хоҳ хизмат кўрсатишга йўналтирилган, хоҳ саноати, хоҳ ишлаб чиқариш ёки давлат идоралари бўладими, барчаси ўз бюджетларини маълум бир давр учун кутилаётган даромад ва таклиф қилинган харажатларни кўрсатиб, одатда юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай жиддий офатлардан "суғурталаш" усули сифатида тузадилар. Ташкилот раҳбарияти одатда мақсадларни белгилайди, шунда ташкилот келажакдаги вақт оралиғида нимага эришмоқчи эканлигини аниқ белгилайди ва бу мақсадлар бир нечта ташкилотларда фарқланади. Шунинг учун бюджетлаштириш мақсадларни белгилашни ва кутилган натижаларга нисбатан ҳақиқий натижаларни мониторинг қилишни ўз ичига олади. Бу кўпчилик корхоналар учун муҳим бўлган техника бўлиб, у бошқарувнинг барча даражалари ва ташкилотнинг барча функцияларини жалб қилишни талаб қилади. Анъанага кўра, бюджетлаштириш ҳар доим харажатларни чеклаш усули сифатида қаралган, шунинг учун менежмент вақтининг катта қисми маблағларни тақсимлашга бағишланган.

Нақд пул бюджети - бу кутилаётган ҳолат ва умумий бюджет режасини тегишли равишда кўриб чиққандан сўнг, келажакдаги режа учун пул тушумлари ва тўловларни баҳолаш деб таъкидланади. Нақд пул бюджети молиявий кўрсаткичларни беради ва тушумлар ва тўловлар вақтини ҳисобга олади. Нақд пул бюджетларининг муҳим жиҳатини ортиқча таъкидлаб бўлмайди, чунки у ташкилотнинг ликвидлик ҳолатига таъсир қилади. Пул маблағларининг кириб келиши ва чиқишини адекват режалаштирмаслик тўғрисидаги қарор тизимли қатъийликни ва молиявий манбаларнинг чекланган танловини, шунингдек, юқори фоиз ставкасини ёки пулнинг имконият қийматини келтириб чиқариши мумкин. Ҳар қандай бюджетнинг моҳияти харажатларни назорат қилиш ва бошқарувга лойиҳаларни аҳамияти бўйича амалга ошириш имконини беради; шунинг учун бюджетлаштириш жараёни бошқарув самарадорлиги ва операцияларда самарадорликни ошириш усули сифатида қаралади.

Молиявий режани тузишда раҳбарият реал натижаларни бюджетда назарда тутилган натижалар билан солиштириш учун стандартни ўрнатиши керак, бу эса ишлаб чиқариш ва сарфланган харажатлар бўйича натижаларни назорат қилиш учун асос яратиши керак. Бу назорат биринчи навбатда бюджет назорати деб аталади; яъни ҳар қандай ташкилот фаолиятини назорат қилиш учун бюджетдан фойдаланиш.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида санаб ўтилган хулосалар ва муҳокамалар асосида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- Мослашувчан бюджет тизими асосан бюджет ташкилотлар билан боғлиқ бўлиб, унинг кўплигидан келиб чиқиб, нолга асосланган бюджетни тенг равишда қабул қилиш тавсия этилади.

- Бюджет харажатларининг ҳар бир моддаси бюджетнинг бир қисмини шакллантиришга рухсат беришдан олдин танқидий кўриб чиқилиши ва асосланиши керак. Бу жорий шароитга асосланган ҳисоб-китоблар ёки бюджетларни янада реалроқ қилади.

- Ҳақиқий бюджетни тайёрлаш, мувофиқлаштириш ва амалга ошириш деярли фақатгина юқори даражадаги раҳбариятнинг масъулияти эканлигига асосланади. Шунинг учун бўлинмалар ва бўлимлар раҳбарларининг нафақат ижросини таъминлаш, балки бюджетларни тайёрлашда ҳам кўпроқ иштирок этишлари тавсия этилади. Бу албатта, ташкилий сиёсатга тўғри келади ва ташкилотнинг тактик ва тезкор фаолияти билан шуғулланадиган шахслар бюджет сметаларини янада ишончли ва аниқроқ қилиш учун устун мавқега эга эканлиги ҳисобга олинади.

Адабиётлар:

1. Lambe I (2015) A Systematic Review of Budgeting and Budgetary Control in Government Owned Organizations. Research Journal of Finance and Accounting www.iiste.org ISSN 2222-1697 (Paper) ISSN 2222-2847 (Online) Vol.6, No.6, 2015
2. Pandey I.M. (2011) Financial Management., Sikkim Manipal University Directorate of Distance Education Subject Code: BBA502 Book ID: B1850 Edition: Fall.
3. Pandey I. M. (2002). *Fundamentals of Financial Management.* Villas Publishing House, New Delhi.
4. Lambe, I. (2004). Appraising the Impact of Budgeting and Planning on the Performance of Financial Institutions in Nigeria. *Research Journal of Finance and Accounting*, 5 (16), 12 - 26.
5. Lambe I. (2015) A Systematic Review of Budgeting and Budgetary Control in Government Owned Organizations. Research Journal of Finance and Accounting www.iiste.org ISSN 2222-1697 (Paper) ISSN 2222-2847 (Online) Vol.6, No.6, 2015

ФАЛСАФА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

YOSHLAR IJTIMOIY FAOLLIGINI OSHIRISHDA MA’NAVIY-AXLOQIY TARBIYANING O‘RNI

Urakov Sardor Sobirjon o‘g‘li
Samarqand shahar yoshlar ishlari bo‘lim boshlig‘i
E-mail: sardorurakov51115@gmail.com

Annotatsiya. Maqolada Yangi O‘zbekiston sharoitida yoshlar ijtimoiy faolligini oshirishda ma’naviy-axloqiy tarbiyaning o‘rni ijtimoiy-falsafiy nuqtai nazardan tahlil qilingan. Normativ-huquqiy hujjatlar («Yangi O‘zbekiston yoshlari — 2030» strategiyasi), A. Avloniy, Aristotel va R. Putnam qarashlari asosida ma’naviy-axloqiy tarbiyadan ijtimoiy faollikka o‘tishning to‘rt bosqichli modeli taklif etilgan. Moddiy rag‘batga tayangan faollik ichki axloqiy motivatsiyani siqib chiqarishi xavfi ko‘rsatilgan, yoshlar siyosatida miqdoriy ko‘rsatkichlar bilan birga sifat indikatorlarini joriy etish zarurligi asoslangan.

Kalit so‘zlar: yoshlar, ijtimoiy faollik, ma’naviy-axloqiy tarbiya, fazilat, ijtimoiy kapital, volontyorlik, ichki motivatsiya, mahalla, Yangi O‘zbekiston.

Аннотация. В статье с социально-философской точки зрения анализируется роль духовно-нравственного воспитания в повышении социальной активности молодёжи в условиях Нового Узбекистана. На основе нормативно-правовых актов (стратегия «Молодёжь Нового Узбекистана — 2030»), взглядов А. Авлони, Аристотеля и Р. Патнэма предложена четырёхэтапная модель перехода от духовно-нравственного воспитания к социальной активности. Указан риск вытеснения внутренней нравственной мотивации активностью, основанной на материальном стимулировании, и обоснована необходимость качественных индикаторов наряду с количественными.

Ключевые слова: молодёжь, социальная активность, духовно-нравственное воспитание, гражданская добродетель, социальный капитал, волонтёрство, внутренняя мотивация, махалля, Новый Узбекистан.

Abstract. The article analyzes, from a socio-philosophical perspective, the role of spiritual and moral education in enhancing the social engagement of young people in New Uzbekistan. Drawing on legal acts (including the “Youth of New Uzbekistan — 2030” strategy) and the views of A. Avloniy, Aristotle and R. Putnam, the author proposes a four-stage model of the transition from spiritual and moral education to social engagement. The article points to the risk that activity based on material incentives may crowd out intrinsic moral motivation and argues for qualitative indicators alongside quantitative targets in youth policy.

Keywords: youth, social engagement, spiritual and moral education, civic virtue, social capital, volunteering, intrinsic motivation, mahalla, New Uzbekistan.

KIRISH

«Yangi O‘zbekiston yoshlari — 2030» strategiyasiga ko‘ra, 2026 yil holatida respublika aholisining 9,5 millioni (25 foizi) 14–30 yoshli yoshlardir [2, 1-ilova, 2.1-band]. «Yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘risida»gi Qonunda ma’naviy, axloqiy va madaniy qadriyatlarning ustuvorligi asosiy prinsip sifatida belgilangan [1, 4-modda].

Biroq normativ hujjatlarda ma’naviy-axloqiy tarbiya va ijtimoiy faollik yonma-yon sanab o‘tiladi: strategiyaning asosiy maqsadida ham ijtimoiy faol hamda ma’nan va jismonan sog‘lom avlodni shakllantirish birga keltiriladi [2, 1-ilova, 3-bob], lekin axloqiy qadriyat qanday mexanizm orqali ijtimoiy xatti-harakatga aylanishi izohlanmaydi. Maqolaning maqsadi — ana shu mexanizmni ijtimoiy-falsafiy jihatdan asoslab beruvchi nazariy modelni ishlab chiqish.

MAVZUGA OID ADABIYOTLAR TAHLILI

Aristotel axloqiy fazilat tabiatan emas, odat natijasida shakllanishini, adolatli ishlarni qilish orqali adolatli bo‘lishimizni ta’kidlaydi [9, 1103a14–1103b2]; insonning tabiatan ijtimoiy-siyosiy mavjudot ekani haqidagi qarashi [10, 1253a2–3] esa axloqiy kamolotni jamoa hayotidan tashqarida tasavvur qilib bo‘lmasligini anglatadi. Abdulla Avloniy tarbiya haqida shunday yozadi: «Alhosil, tarbiya bizlar uchun yo hayot – yo mamot, yo najot – yo halokat, yo saodat – yo falokat masalasidur» [8].

I.A. Karimov ma’naviyatni shunday ta’riflaydi: «Ma’naviyat – insonni ruhan poklanish, qalban ulg‘ayishga chorlaydigan, odamning ichki dunyosi, irodasini baquvvat, iymon-e’tiqodini butun qiladigan, vijdonini uyg‘otadigan beqiyos kuch, uning barcha qarashlarining mezonidir» [7, B. 19]. R. Putnam fikricha, fuqarolik fazilati o‘zaro munosabatlarning zich tarmog‘iga singdirilgandagina kuchga ega bo‘ladi, alohida-alohida yashovchi fazilatli kishilardan iborat jamiyat esa ijtimoiy kapitalga boy bo‘lavermaydi [11, P. 19]. Olim birlashtiruvchi (bonding) va ko‘prik vazifasini bajaruvchi (bridging) ijtimoiy kapitalni ham farqlaydi [11, P. 22–23].

2019 yilda qabul qilingan Uzluksiz ma’naviy tarbiya konsepsiyasi yoshlarni dunyoqarashi keng, faol fuqarolar etib tarbiyalashga qaratilgan [3]; unga asos bo‘lgan PQ-4307-son qarorda ma’naviy tarbiyani baholashning ilmiy asoslangan indikatorlarini ishlab chiqish vazifasi qo‘yilgan [4]. Bu yo‘nalish 2021 yilgi konsepsiya [6] amalga oshirilganidan so‘ng 2026 yil 28 yanvardagi 34-son qaror bilan tasdiqlangan dasturda davom ettirildi [5], keyinchalik esa yoshlar siyosatining yangi bosqichi «Yangi O‘zbekiston yoshlari — 2030» strategiyasida belgilandi [2, 1-ilova, 2-bob]. Biroq tahlil etilgan manbalarda axloqiy qadriyatning ijtimoiy xatti-harakatga o‘tish jarayoni yaxlit model sifatida, ijtimoiy-tarmoq bosqichini ham qamrab olgan holda, ko‘rsatilmagan.

TADQIQOT METODOLOGIYASI

Tadqiqotda dialektik, tizimli-strukturaviy, qiyosiy-tahliliy va germenevtik usullar hamda normativ hujjatlar kontent-tahlili qo‘llanildi. Tadqiqot nazariy xarakterga ega; modelni empirik sinash (ekspert baholash, so‘rovnoma) hamda uni shahar va qishloq yoshlari, turli ijtimoiy guruhlar kesimida moslashtirish keyingi izlanishlar vazifasidir.

TAHLIL VA NATIJALAR

Ijtimoiy faollik deganda shaxsning jamiyat hayotida ongli, ixtiyoriy va ijtimoiy ahamiyatga molik maqsadlarga yo‘naltirilgan harakatini tushunamiz. Tahlil maqsadida uni tashqi rag‘batga asoslangan instrumental hamda mas’uliyat, himmat, adolat tuyg‘usi kabi o‘zlashtirilgan qadriyatlardan kelib chiqadigan qadriyatli faollikka ajratamiz. Instrumental faollik rag‘bat to‘xtaganda susayishga moyil deb taxmin qilish mumkin. Ma’naviy-axloqiy tarbiyaning o‘rni aynan qadriyatli faollik negizini yaratishda namoyon bo‘ladi. Nazariy manbalar sintezi asosida bu jarayonni to‘rt bosqichli model sifatida ifodalash mumkin (1-jadval).

1-jadval. Ma’naviy-axloqiy tarbiyadan ijtimoiy faollikka o‘tish modeli (muallif ishlanmasi)

Bosqich	**Mazmuni**	**Nazariy asosi**	**Bosqich chetlab o‘tilganda yuzaga keladigan xavf**
1. Kognitiv	Axloqiy me’yor va qadriyatlarni anglash, ularning ma’nosini tushunish	A. Avloniyning «fikr tarbiyasi» haqidagi qarashlari [8]	Qadriyat bilim darajasida qoladi: «yodlab olingan axloq»
2. Motivatsion	Anglangan qadriyatni ichki e’tiqod, iroda va vijdon talabiga aylantirish	Ma’naviyatning ichki kuch sifatidagi talqini [7]	Faollik tashqi rag‘batga bog‘lanib, instrumental tusga kiradi
3. Amaliy	Axloqiy xatti-harakatni takroriy amaliyot orqali odatga aylantirish	Aristotelning fazilat odat orqali shakllanishi haqidagi ta’limoti [9]	Deklarativ ma’naviyat: so‘z va amal o‘rtasidagi nomuvofiqlik
4. Ijtimoiy-tarmoq	Shaxsiy fazilatni jamoaviy aloqalar va ishonch tarmoqlariga ulash	R. Putnamning ijtimoiy kapital nazariyasi [11]	«Yolg‘iz fazilatli» shaxs yoki faqat yopiq guruh doirasidagi faollik

Bosqichlar aylanma xarakterga ega: amaliy faoliyat ichki motivni mustahkamlaydi [9, 1103a14–1103b2]. Model axloqiy ongdan amalga oʻtishni tavsiflovchi mavjud yondashuvlarni ijtimoiy-tarmoq bosqichini alohida ajratish bilan toʻldiradi. Bu yerda «ijtimoiy-tarmoq» deganda raqamli ijtimoiy tarmoqlar emas, Putnam maʼnosidagi ijtimoiy aloqalar va ishonch tarmogʻi nazarda tutiladi.

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining PF-66-son Farmoniga koʻra, 2030 yilga qadar 900 ming nafar yoshni volontyorlik loyihalariga jalb etish [2, 2-band] va mahallalarda yoshlar tashabbusidagi ijtimoiy loyihalar sonini 2000 taga yetkazish [2, 1-ilova, 3-bob] koʻzda tutilgan, volontyorlik uchun berilgan «ijtimoiy token» (raqamli ball)lar esa monetizatsiya qilinadi [2, 12-band]. Bu choralar modelning uchinchi va toʻrtinchi bosqichlari uchun institutsional muhit yaratadi, biroq volontyorlikning asosiy motivi ballni pulga aylantirish boʻlib qolsa, faollik ikkinchi bosqichni chetlab oʻtib, instrumental turga aylanish xavfi tugʻiladi. Fikrimizcha, bu xavf hujjatning oʻzida ham anglangan: strategiyada imtiyoz va subsidiyalarga nisbatan boqimandalik kayfiyatining shakllanishi ijtimoiy-psixologik xavf sifatida qayd etilgan [2, 1-ilova, 8-bob]. Ragʻbat axloqiy harakatning sababi emas, eʼtirofi boʻlishi lozim; shu bois tokenni madaniy va sport tadbirlarida imtiyozli ishtirok etish uchun sarflash [2, 12-band] imkoniyatini, yaʼni Farmonda nazarda tutilgan nisbatan nomoddiy eʼtirof shaklini, ballni pulga aylantirishdan ustun qoʻyish maqsadga muvofiq.

Farmonda belgilangan «Yoshlar kuni» doirasidagi haftalik ochiq muloqotlar [2, 18-band] va «Avlodlar muloqoti» xalqaro yoshlar kongressi [2, 10-band] Putnam maʼnosidagi koʻprik vazifasini bajaruvchi ijtimoiy kapital, yaʼni modelning toʻrtinchi bosqichi uchun imkoniyat yaratadi [11, P. 22–23]. Strategiyaning samaradorlik koʻrsatkichlari esa asosan miqdoriy boʻlib [2, 1-ilova, 3-bob], faollikning axloqiy sifatini aks ettirmaydi. Bizningcha, ularni faollik motivining tuzilishi, ragʻbatsiz ishtirokning saqlanish darajasi va ijtimoiy aloqalar kengligi kabi sifat indikatorlari bilan toʻldirish zarur. Masalan, ichki va tashqi motivlar nisbati motivatsion soʻrovnoma orqali, ragʻbatsiz ishtirokni muayyan muddat (6–12 oy) davomida saqlab qolgan yoshlar ulushi, ishtirokchining loyihalardagi yangi hamkorlari soni boʻyicha oʻlchanishi mumkin.

XULOSA VA TAKLIFLAR

Maʼnaviy-axloqiy tarbiya ijtimoiy faollikning yonma-yon omili emas, balki uning barqaror, qadriyatli turining negizidir. Axloqiy qadriyatning faollikka aylanishi kognitiv, motivatsion, amaliy va ijtimoiy-tarmoq bosqichlaridan iborat boʻlib, toʻrtinchi bosqich eʼtibordan chetda qolsa, fazilatli, ammo passiv shaxs shakllanishi mumkin. «Yangi Oʻzbekiston yoshlari — 2030» strategiyasi keng institutsional imkoniyatlar yaratadi, biroq raqamli ballarning monetizatsiyasi instrumental faollik xavfini tugʻdirishi mumkin.

Shundan kelib chiqib, volontyorlikni ragʻbatlantirishda Farmonda nazarda tutilgan ramziy eʼtirof shakllarini ballni pulga aylantirishdan ustun qoʻyish, oliy taʼlimda maʼnaviy-maʼrifiy ishlarni mahalla va ijtimoiy loyihalarda amaliy

ishtirokka koʻproq yoʻnaltirish hamda Yoshlar muammolarini oʻrganish va istiqbolli kadrlarni tayyorlash institutining yillik tadqiqotlariga [2, 1-ilova, 11-bob] faollik motivini oʻlchovchi sifat indikatorlarini kiritish taklif etiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Oʻzbekiston Respublikasining «Yoshlarga oid davlat siyosati toʻgʻrisida»gi Qonuni. 2016 yil 14 sentabr, OʻRQ-406-son // Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi. – URL: https://lex.uz/docs/3026246
2. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining «"Yangi Oʻzbekiston yoshlari – 2030" strategiyasini tasdiqlash hamda yoshlarni har tomonlama qoʻllab-quvvatlash chora-tadbirlari toʻgʻrisida»gi Farmoni. 2026 yil 20 aprel, PF-66-son // Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi. – URL: https://lex.uz/uz/docs/8155028
3. Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Uzluksiz maʼnaviy tarbiya konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida»gi qarori. 2019 yil 31 dekabr, 1059-son // Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi. – URL: https://lex.uz/docs/4676839
4. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining «Maʼnaviy-maʼrifiy ishlar samaradorligini oshirish boʻyicha qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida»gi qarori. 2019 yil 3 may, PQ-4307-son // Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi. – URL: https://lex.uz/docs/4320700
5. Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Uzluksiz taʼlim tizimida yoshlarni milliy qadriyatlarga sadoqat va vatanparvarlik ruhida tarbiyalash samaradorligini oshirish dasturini tasdiqlash toʻgʻrisida»gi qarori. 2026 yil 28 yanvar, 34-son // Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi. – URL: https://lex.uz/docs/8022994
6. Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Oʻzbekistonda yoshlarga oid davlat siyosatini 2025 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash toʻgʻrisida»gi qarori. 2021 yil 18 yanvar, 23-son // Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi. – URL: https://lex.uz/docs/5234746
7. Karimov I.A. Yuksak maʼnaviyat – yengilmas kuch. – T.: Maʼnaviyat, 2008.
8. Avloniy A. Turkiy guliston yoxud axloq [Elektron manba]. – URL: https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/abdulla-avloniy/abdulla-avloniy-turkiy-guliston-yoxud-axloq/
9. Аристотель. Никомахова этика // Аристотель. Сочинения: в 4 т. – Т. 4. – М.: Мысль, 1983.
10. Аристотель. Политика // Аристотель. Сочинения: в 4 т. – Т. 4. – М.: Мысль, 1983.
11. Putnam R.D. Bowling Alone: The Collapse and Revival of American Community. – New York: Simon & Schuster, 2000.

СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДАГИ ТУТГАН ЎРНИ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

ИНСОН САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ОМИЛИНИНГ РОЛИ

Кулбекова Насиба Закировна
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири ўринбосари, социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Инсон салоҳиятини юксалтириш жараёнида таълим ва тарбия ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирувчи ҳамда инсоннинг интеллектуал, касбий, ижтимоий, ахлоқий ва маънавий имкониятларини шакллантирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Инсон салоҳиятини фақат муайян билим ва касбий кўникмалар йиғиндиси сифатида талқин қилиш унинг мазмунини торайтириб қўяди. Инсоннинг ўз қобилиятларини англаши, мустақил қарор қабул қилиши, ижтимоий муносабатларда масъулиятли иштирок этиши, меҳнат фаолиятида яратувчанлик кўрсатиши, ўзгарувчан муҳитга мослашиши, миллий ва умуминсоний қадриятларга таяниши ҳам инсон салоҳиятининг муҳим таркибий қисмларини ташкил этади. Таълим инсонда билим, компетенция ва интеллектуал имкониятларни шакллантирса, тарбия ушбу имкониятларни ижтимоий мақбул мақсадлар сари йўналтиришга хизмат қилади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Мамлакатларимиз ва халқларимизнинг тақдири ва келажаги – айнан ёш авлоднинг қандай таълим ва тарбия олиши, улар учун қандай шарт-шароит ва “социал лифт”ларни яратиб беришимизга бевосита боғлиқ”[1].

Инсон капитали назарияси нуқтаи назаридан ҳам таълим иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим инвестиция йўналиши сифатида қаралади. Жаҳон банки инсон капиталини билим, кўникма ва соғлиқ билан боғлайди ҳамда унинг шаклланиши инсоннинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариши ва иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатишини таъкидлайди. Инсон капитали индекси ҳам боланинг катта ёшга етгунга қадар мавжуд таълим ва соғлиқ шароитлари таъсирида қанчалик салоҳият тўплаши мумкинлигини баҳолашга қаратилган.

Инсон салоҳиятининг шаклланишини қуйидаги ўзаро боғлиқ жараёнлар орқали ифодалаш мумкин:

[1] Мирзиёев Ш.М. 6-том. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. М 54 – Тошкент: “Ozbekiston” нашриёти, 2023. – Б.13.



1-расм. Инсон салоҳиятининг шаклланишинига узвий боғлиқ жараёнлар.

Ушбу схемада тарбия ҳар бир босқични бир-бири билан боғлаб турувчи маънавий-ижтимоий механизм вазифасини бажаради. Масалан, юқори даражадаги касбий билимга эга бўлган шахснинг жамият тараққиётига қўшаётган ҳиссаси унинг масъулияти, ҳалоллиги, меҳнат интизоми, ижтимоий позицияси, бошқалар манфаатини ҳисобга олиш қобилияти ва ўз билимидан қандай мақсадда фойдаланишига ҳам боғлиқ. Демак, таълим инсоннинг «нимани билиши» ва «нимани қила олиши» билан боғлиқ бўлса, тарбия «билим ва имкониятларидан қандай мақсадда фойдаланиши» масаласини белгилайди.

Ўзбекистонда таълим ва тарбиянинг инсон салоҳиятини шакллантиришдаги ўрни ҳуқуқий жиҳатдан ҳам мустаҳкамланган. 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида таълим соҳасининг асосий принциплари сифатида таълим устуворлигини тан олиш, таълим олиш шаклини танлаш эркинлиги, тенг имкониятларни таъминлаш, таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний қадриятларни сингдириш, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олиши, қобилият ва истеъдодни рағбатлантириш каби қоидалар белгиланган.

Бу қоидалар инсон салоҳиятини юксалтиришга доир ёндашувнинг фақат таълим муассасаси доирасидаги жараён билан чекланмаслигини кўрсатади. Инсоннинг салоҳияти болалик даврида шакллана бошлаб, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, профессионал таълим, олий таълим, малака ошириш, қайта тайёрлаш ва мустақил таълим босқичларида давомий равишда ривожланади. Шу сабабли таълим тизимини инсон ҳаётининг турли даврларида янги билим ва кўникмаларни эгаллаш имконини берувчи узлуксиз институт сифатида ташкил этиш барқарор тараққиётнинг муҳим шартига айланади.

Инсон салоҳиятини юксалтиришда таълимнинг биринчи амалий вазифаси инсоннинг базавий интеллектуал қобилиятларини шакллантиришдан иборат. Саводхонлик, математик тафаккур, мантиқий фикрлаш, ахборотни излаш ва таҳлил қилиш, мулоқот қилиш, муаммони аниқлаш ва ечим излаш каби кўникмалар кейинги касбий ва ижтимоий фаолият учун пойдевор вазифасини бажаради. Таълим мазмуни фақат тайёр маълумотларни ёдлашга асосланган ҳолда ташкил этилса, инсоннинг мустақил фикрлаш имконияти чекланади. Билимни амалиётга татбиқ этиш, турли вазиятларни таҳлил қилиш, далилларни солиштириш, сабаб ва оқибат ўртасидаги алоқани аниқлашга йўналтирилган таълим эса инсон салоҳиятининг функционал жиҳатларини ривожлантиради.

Бу ерда таълим сифати ва таълим натижаси ўртасидаги фарқни ажратиш муҳим. Таълим муассасасининг мавжудлиги, ўқувчилар қамрови ёки ўқув дастурининг ҳажми таълим сифати ҳақида тўлиқ тасаввур бермайди. Асосий натижа инсоннинг эгаллаган билимини ҳаётий ва касбий вазифаларни ҳал қилишда қўллай олиши билан белгиланади. Жаҳон банкининг 2026 йилдаги Ўзбекистон бўйича таҳлилий маълумотларида 15 ёшлиларнинг катта қисми асосий фанлар бўйича минимал малакани эгалламаётгани, ҳудудлар кесимида олий таълимга қамровда сезиларли тафовутлар мавжудлиги таълим сифати ва имкониятлар тенглиги масалаларини инсон капитали сиёсати учун долзарб эканини кўрсатади.

Президентимиз “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг болалар тарбияси масалалари умумбашарий тараққиётга эришишнинг муҳим омили экани тўғрисида махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этиш айни муддао бўлар эди. Ушбу ҳужжатда ота-оналарни болаларнинг сифатли таълим ва тарбия олиши, маънавий ва жисмоний баркамоллигини таъминлашдаги ролини, уларнинг қобилият ва салоҳиятларини тўлиқ намоён этиш борасидаги масъулиятини янада ошириш каби масалалар ўз ифодасини топиши лозим”[2], - деб таъкидлаган эдилар.

Жаҳон банкининг инсон капитали бўйича Ўзбекистон маълумотларида 2021 йилда 10 ёшгача бўлган болаларнинг 32 фоизи оддий матнни ўқиб, уни тушуниш даражасига етмагани қайд этилган. 2024 йилда 15–24 ёшдаги ёшларнинг 15 фоизи таълимда, меҳнат бозорида ёки касбий тайёргарлик жараёнида иштирок этмаган. Бундай кўрсаткичлар таълимни фақат қамров нуқтаи назаридан эмас, балки инсоннинг реал салоҳиятини шакллантириш натижаси нуқтаи назаридан баҳолаш зарурлигини кўрсатади.

Таълимнинг инсон салоҳиятига таъсирини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мумкин:

[2] Мирзиёев Ш.М. 7-том. Халқчил ислоҳотлар халқимиз манфаатларига хизмат қилади. М 54 – Тошкент: “Ozbekiston” нашриёти, 2023. – Б.167.

Йўналиш	Асосий кўрсаткич	Инсон салоҳиятига таъсири	Амалий натижа
Базавий таълим	Саводхонлик, математик саводхонлик	Интеллектуал пойдеворни шакллантиради	Муаммони тушуниш ва ечиш
Касбий таълим	Касбий компетенциялар	Меҳнат унумдорлигини оширади	Иш билан таъминланиш ва касбий ўсиш
Олий таълим	Ихтисослашган билим ва тадқиқот кўникмалари	Инновацион салоҳиятни кучайтиради	Илмий ва технологик фаоллик
Рақамли таълим	Рақамли саводхонлик	Янги иқтисодий муҳитга мослашишни таъминлайди	Рақамли хизматлар ва меҳнат бозорида иштирок
Тарбия	Масъулият, интизом, ахлоқий қадриятлар	Инсон салоҳиятининг ижтимоий йўналишини белгилайди	Масъулиятли фуқаролик ва меҳнат хулқи
Узлуксиз таълим	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш	Салоҳиятни ҳаёт давомида янгилаб боради	Меҳнат бозорида мослашувчанлик
Ижодий таълим	Танқидий ва креатив фикрлаш	Янги ғояларни ишлаб чиқиш қобилиятини оширади	Инновация ва тадбиркорлик

Жадвалдан кўринадики, таълимнинг инсон салоҳиятига таъсири бир йўналиш билан чекланмайди. Таълимнинг ҳар бир босқичи инсоннинг маълум бир имкониятини ривожлантиради. Базавий таълимда шаклланган ўқиш ва фикрлаш қобилияти касбий билимларни эгаллаш учун асос бўлади. Касбий билим меҳнат фаолиятида қўлланилганида иқтисодий қийматга айланади. Олий таълим ва илмий-тадқиқот муҳитида ушбу билим янги технология, янги маҳсулот ёки янги бошқарув усулини ишлаб чиқишга хизмат қилиши мумкин. Тарбия эса инсоннинг ушбу имкониятлардан фойдаланиш маданиятини шакллантиради.

Инсон салоҳиятини юксалтиришда тарбиянинг аҳамияти, айниқса, миллий-маънавий омиллар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Таълим муассасаси инсонга билим бериш билан бир қаторда унинг ижтимоий муносабатларини, қадриятларга муносабатини, меҳнатга бўлган қарашини, жамоа билан ишлаш маданиятини ва масъулиятини шакллантиришга таъсир қилади. Миллий қадриятлар тарбия жараёнида тарихий хотира, катталарга ҳурмат, меҳнатсеварлик, илмга интилиш, оила ва жамият олдидаги масъулият

каби тушунчалар орқали намоён бўлади. Умуминсоний қадриятлар эса инсон қадри, тенглик, адолат, бағрикенглик, тинчлик, ҳамкорлик ва экологик масъулият каби тушунчалар билан боғланади.

Тарбияни таълимдан ажратиб қўйиш инсон салоҳиятини шакллантириш жараёнида бир қатор зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, юқори билимга эга, аммо жамоада ишлаш кўникмаси етарли бўлмаган мутахассиснинг меҳнат унумдорлиги унинг индивидуал билим даражасига мос келмаслиги мумкин. Технологик билимга эга бўлган, аммо ахборотдан масъулиятсиз фойдаланадиган шахс рақамли муҳитда ижтимоий муаммоларни кучайтириши мумкин. Касбий маҳорати юқори, аммо меҳнат интизоми шаклланмаган ходим ташкилот самарадорлигига кутилган даражада ҳисса қўшмаслиги мумкин. Бундай ҳолатлар таълим ва тарбиянинг бир бутун тизим сифатида қаралиши зарурлигини кўрсатади.

Хулоса. Барқарор тараққиёт нуқтаи назаридан инсон салоҳиятини юксалтиришда таълимнинг вазифаси янада кенгаяди. Замонавий иқтисодиётда технологиялар тез янгиланиши натижасида муайян касб доирасида бир марта олинган билим инсоннинг бутун меҳнат фаолияти учун етарли бўлмай қолмоқда. Меҳнат бозорида янги касблар пайдо бўлиши, рақамлаштириш, сунъий интеллект, автоматлаштириш ва глобал рақобат меҳнат ресурсларидан доимий равишда янги билимларни эгаллашни талаб қилмоқда. Бундай шароитда инсон салоҳиятининг асосий белгиларидан бири «ўрганиш қобилияти»га айланади.

Ўрганиш қобилиятини шакллантириш мактаб таълимининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида қаралиши мумкин. Ўқувчига тайёр маълумотни беришдан кўра маълумотни мустақил излаш, ишончли манбани ажратиш, савол қўйиш, гипотеза илгари суриш, тажриба ўтказиш, натижани таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш кўникмаларини бериш унинг кейинги ҳаётида катта аҳамият касб этади. Бундай ёндашув таълим натижасини диплом ёки аттестат билан эмас, балки инсоннинг мустақил фаолият юрита олиш қобилияти билан ўлчаш имконини беради.

Ўзбекистонда таълим соҳасининг амалдаги ҳуқуқий асосларида ҳам инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олиши принципи белгиланган. Бу принцип инсон салоҳиятини статик эмас, динамик категория сифатида кўришга асос яратади. Инсон маълум бир ёшда ёки маълум бир таълим муассасасини тугатиш билан ўз салоҳиятини шакллантириш жараёнини якунламайди. Аксинча, меҳнат фаолияти, ижтимоий муносабатлар, янги технологиялар ва шахсий тажриба инсон салоҳиятини доимий равишда қайта шакллантириб боради.

МЕРИТОКРАТИК ДАВЛАТ ШАРОИТИДА ИНСОН САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Кулбекова Насиба Закировна
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Тошкент вилоятидаги
Халқ қабулхонаси мудири ўринбосари,
социология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Инсон салоҳиятини юксалтириш орқали барқарор тараққиётни таъминлашда давлат сиёсатининг самарадорлиги, аввало, инсоннинг мавжуд билим, қобилият, тажриба, ижодий имконият ва ижтимоий фаоллигини қай даражада тўлиқ рўёбга чиқариш учун институционал шароит яратилганлиги билан белгиланади. Инсон салоҳияти ўз-ўзидан иқтисодий, ижтимоий ёки сиёсий натижага айланмайди. Унинг ижтимоий қийматга эга натижага айланиши таълим, меҳнат бозори, давлат бошқаруви, ижтимоий ҳимоя, инновация, тадбиркорлик, рақамли инфратузилма ва фуқаролик институтларининг ўзаро мувофиқ фаолиятини талаб этади. Меритократик давлат шароитида ушбу жараённинг марказида инсоннинг келиб чиқиши, ижтимоий мавқеи, қариндошлик алоқалари ёки шахсий таниш-билишларига эмас, унинг билим, малака, касбий маҳорати, масъулияти, ташаббуси ва эришган натижаларига асосланган институционал ёндашув туради.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “....давлат органларига кадрларни танлашда эскидан сақланиб қолган, қўштирноқ ичидаги бир “тизим” мавжуд эди. У ҳам бўлса, яқин қариндошлари судланган, деб фуқароларни ишга қабул қилмаслик ёки юқори лавозимларга тайинламаслик билан боғлиқ. Бундай номаъқул ёндашув туфайли кўплаб ёшларимиз, малакали мутахассисларимиз “беайб айбдор бўлиб”, яқин қариндошларининг қилмишлари учун жабр тортиб келдилар. Ўзингиз айтинг, бу адолатданми? Менинг фикримча, адолатдан эмас. Нима сабабдан бир жиноят учун бутун бир авлод жавоб бериши керак? Отасининг қилмиши учун нега фарзандлари ёки ака учун ука жавоб бериши керак? Демократик нормаларга ҳам, ҳаётнинг бугунги талабларига ҳам мутлақо тўғри келмайдиган бундай адолатсиз “тизим”дан биз энди бутунлай воз кечамиз”[3], - деб таъкидлаган эдилар.

Меритократия тушунчасининг давлат бошқарувига татбиқи оддий маънода «энг қобилиятли инсонларни танлаш» билан чекланмайди. У инсон қобилиятини аниқлаш, уни ривожлантириш, муносиб вазифага жойлаштириш, фаолиятини объектив баҳолаш, натижасига қараб рағбатлантириш ва профессионал ўсиши учун узлуксиз имконият яратишдан иборат яхлит

[3] Мирзиёев Ш.М. 2-том. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. М 54. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – Б. 20.

бошқарув технологияларини қамраб олади. Бу жиҳатдан меритократик давлатни инсон салоҳиятини институционал жиҳатдан ҳаракатга келтирувчи тизим сифатида талқин қилиш мумкин. Давлат органлари инсонни фақат ижтимоий сиёсат объекти сифатида эмас, балки тараққиётнинг асосий субъекти сифатида қабул қилганида инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш технологиялари давлат сиёсатининг марказий элементига айланади.

Инсон салоҳиятининг рўёбга чиқиши икки хил жараённинг бирлигини назарда тутади. Биринчи жараён инсонда мавжуд қобилиятларни шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ. Иккинчи жараён ривожланган қобилиятларни ижтимоий-иқтисодий фаолиятда қўллаш учун имконият яратишдан иборат. Таълим тизими юқори сифатли билим бериб, меҳнат бозорида муносиб иш ўринлари мавжуд бўлмаса, инсон салоҳиятининг маълум қисми ишлатилмай қолади. Юқори малакали мутахассислар тайёрланса-ю, давлат ва хусусий секторда лавозимларга танлаш шаффоф бўлмаса, инсон капитали билан институционал муҳит ўртасида узилиш пайдо бўлади. Инновацион ғояларга эга ёшлар мавжуд бўлса-ю, уларнинг ташаббусларини молиялаштириш, акселерация қилиш ва бозорга олиб чиқиш механизмлари ривожланмаган бўлса, ижодий салоҳият иқтисодий натижага айланмайди.

Меритократик давлат технологияларининг биринчи муҳим хусусияти инсон салоҳиятини аниқлаш ва ўлчаш механизмларининг мавжудлигидир. Давлат бошқарувида «қобилиятли», «истеъдодли», «малакали», «самарали» каби тушунчалар субъектив баҳолашга асосланиб қолса, меритократик ёндашувнинг институционал мазмуни заифлашади. Шу сабабли компетенциялар модели, касбий стандартлар, натижа кўрсаткичлари, очиқ танловлар, тестлар, амалий топшириқлар, портфолио, иш натижалари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш каби воситалар муҳим аҳамият касб этади.

Инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш технологияларини қуйидаги тизимда ифодалаш мумкин:

Технологик босқич	**Асосий мазмун**	**Амалий воситалар**	**Кутиладиган натижа**
Салоҳиятни аниқлаш	Билим, қобилият ва компетенцияларни аниқлаш	тест, суҳбат, портфолио, баҳолаш маркази	инсоннинг реал имкониятларини белгилаш
Салоҳиятни ривожлантириш	Билим ва кўникмаларни ошириш	таълим, қайта тайёрлаш, малака ошириш	касбий компетенцияларни кучайтириш
Салоҳиятни жойлаштириш	Қобилиятга мос фаолият соҳасини белгилаш	очиқ танлов, карьер траекторияси	инсон ва лавозим ўртасида мувофиқлик

Салоҳиятни рағбатлантириш	Натижага қараб моддий ва номоддий рағбат	мукофот, лавозим ўсиши, эътироф	меҳнат мотивациясини ошириш
Салоҳиятдан фойдаланиш	Қобилиятни амалий натижага айлантириш	лойиҳа, инновация, тадбиркорлик	иқтисодий ва ижтимоий самара
Қайта баҳолаш	Натижаларни мунтазам таҳлил қилиш	KPI, аттестация, мониторинг	узлуксиз такомиллашув

1-жадвал. Инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш технологиялари.

Ушбу тизимнинг ҳар бир бўғини бошқалари билан узвий боғлиқ. Инсонни тўғри танлаш, аммо уни кейинчалик ривожлантирмаслик меритократик тизимни барқарор қила олмайди. Худди шунингдек, юқори натижа кўрсатаётган ходимнинг меҳнати эътироф этилмаса, унинг мотивацияси пасайиши мумкин. Давлат сиёсати нуқтаи назаридан инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш бир марталик тадбир эмас, балки инсон ҳаётининг турли босқичларини қамраб олувчи узлуксиз институционал жараёндир.

Бу ерда давлатнинг вазифаси инсон ўрнига қарор қабул қилиш эмас, балки инсон ўз қобилиятини намоён қилиши мумкин бўлган қоидалар ва имкониятлар тизимини шакллантиришдан иборат. Меритократиянинг ижтимоий аҳамияти ҳам ана шунда намоён бўлади. Инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши унинг имкониятларини олдиндан белгилаб қўймаслиги, билим ва меҳнат орқали ўз мавқеини яхшилаши мумкинлиги ҳақидаги ижтимоий ишонч кучаяди. Бу ҳолат ижтимоий мобилликни рағбатлантиради, таълимга бўлган талабни оширади, касбий рақобатни кучайтиради ва давлат институтларининг профессионал салоҳиятини юксалтиради.

Меритократик давлатда инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг муҳим технологияларидан бири очиқ ва рақобатли кадрлар танловидир. Давлат хизматида лавозимларга тайинлаш тизими давлат бошқаруви сифатини бевосита белгилайди. Агар лавозимга номзод танлашда аниқ компетенциялар, профессионал тажриба ва натижадорлик мезонлари асосий ўринни эгалласа, давлат аппаратининг институционал салоҳияти ортади. Танлов жараёнининг шаффофлиги эса нафақат номзодлар учун тенг имконият яратади, балки жамиятнинг давлат институтларига ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бундай тизимда давлат хизматчиси лавозимга эга бўлганидан кейин ҳам профессионал ривожланиш жараёнидан чиқиб кетмайди. Унинг фаолияти мунтазам баҳоланади, янги компетенцияларни ўзлаштириши талаб қилинади, мураккаб вазифаларни бажариш қобилияти оширилади. Карьера фақат хизмат муддатига эмас, амалий натижа ва касбий ўсишга боғланади. Бу ёндашув

«лавозимга эришиш» ва «лавозимда натижа кўрсатиш» тушунчаларини бир-биридан ажратиб, давлат хизматида профессионал масъулиятни кучайтиради.

Давлат хизматининг меритократик моделида компетенциялар масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Компетенция инсоннинг фақат маълумотга эга эканлигини эмас, уни амалиётда қўллай олиш қобилиятини англатади. Масалан, давлат хизматчиси иқтисодиёт назариясини яхши билиши мумкин, лекин ҳудуддаги аҳоли бандлиги муаммосини таҳлил қилиш, маълумотларни солиштириш, манфаатдор томонлар билан мулоқот қилиш ва амалий дастур ишлаб чиқиш қобилияти етарли бўлмаса, унинг назарий билими кутилган натижани бермайди. Шу сабабли меритократик кадрлар сиёсатида «нимани билади?» деган савол билан бир қаторда «нимани қила олади?», «қандай натижага эриша олади?», «мураккаб вазиятда қандай қарор қабул қилади?» каби саволлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш технологиялари таълим тизими билан давлат хизмати ўртасида узвий алоқани талаб этади. Университетларда олинган билим меҳнат бозоридаги талаблар билан мувофиқлаштирилмаса, диплом ва реал компетенция ўртасида тафовут пайдо бўлади. Бундай ҳолатда инсон салоҳиятига қилинган таълимий инвестициянинг қайтими пасаяди. Меритократик давлат таълим натижасини диплом билан эмас, инсоннинг мустақил фикрлаши, муаммони ҳал қилиши, рақамли воситалардан фойдаланиши, жамоада ишлаши, инновацион ёндашуви ва касбий вазифаларни самарали бажариши орқали баҳолашга интилади.

Инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш технологияларининг яна бир муҳим йўналиши «умр давомида таълим олиш» тамойилидир. Замонавий иқтисодиётда технологик ўзгаришлар тезлашгани сари бир марта олинган касбий билимнинг бутун меҳнат фаолияти давомида етарли бўлиши тобора қийинлашмоқда. Рақамлаштириш, сунъий интеллект, автоматлаштириш, янги касбларнинг пайдо бўлиши ва айрим анъанавий вазифаларнинг қисқариши инсондан мунтазам равишда янги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришни талаб қилади. Давлат сиёсати бу жараённи фақат таълим муассасалари орқали эмас, балки онлайн таълим, касбий қайта тайёрлаш, қисқа муддатли курслар, микромалака ва иш жойида ўқитиш тизимлари орқали қўллаб-қувватлаши мумкин.

Ўзбекистон шароитида инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг амалий технологиялари таълим, касбга тайёрлаш, бандлик, тадбиркорлик ва давлат хизмати тизимларининг интеграциясини талаб қилади. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияларида инсон қадри, таълим сифатини ошириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар имкониятларини кенгайтириш, касбий таълимни такомиллаштириш, давлат бошқарувини самарали ташкил этиш ва рақамли трансформация каби йўналишларнинг устувор вазифа сифатида белгиланиши инсон салоҳиятига инвестиция қилиш сиёсатининг кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Амалий нуқтаи назардан қараганда, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш технологияларини уч даражада кўриш мумкин. Биринчи даража — микро

даража, яъни алоҳида инсоннинг билим, кўникма, мотивация ва касбий режаларини ривожлантириш. Иккинчи даража — мезо даража, яъни ташкилот, корхона, таълим муассасаси ёки маҳаллада инсон қобилиятидан самарали фойдаланиш механизмларини ташкил этиш. Учинчи даража — макро даража, яъни давлат миқёсида инсон салоҳиятини шакллантириш, тақсимлаш ва рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий, иқтисодий ва институционал шароитларни яратиш.

Ушбу даражалар ўртасида узилиш бўлса, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш сиёсати фрагментар характерга эга бўлади. Масалан, ёш инсон замонавий касбни ўрганди, лекин ўз ҳудудида унга мос иш топа олмади. Ёки давлат хизматчиси малака ошириш курсини тугатди, лекин янги билимидан иш жараёнида фойдаланиш имконига эга бўлмади. Бошқа ҳолатда тадбиркорлик қобилиятига эга шахс бизнес бошлаш истагида бўлади, аммо молиявий ресурс, инфратузилма ёки бозор ҳақидаги маълумотларга етарли даражада эга эмас. Бу мисоллар инсон салоҳиятини шакллантиришнинг ўзи етарли эмаслигини, уни реал ижтимоий фаолиятга улаш механизмлари ҳам зарурлигини кўрсатади.

Қуйидаги схема мазкур жараённинг мантиқий кетма-кетлигини ифодалайди:



1-расм. Инсон салоҳиятини юксалтиришда мантиқий кетма-кетлик жараённини.

Бу циклда «институционал имконият» ҳал қилувчи бўғинлардан биридир. Чунки инсон қобилияти мавжуд бўлиши билан унинг амалга ошиши кафолатланмайди. Институционал муҳит шахснинг фаоллигига тўсиқ ҳам, рағбат ҳам бўлиши мумкин. Шаффоф танлов, адолатли рақобат, қонунийлик, касбий ўсиш имконияти ва натижага асосланган рағбат инсон салоҳиятининг очилишига ижобий таъсир кўрсатади. Аксинча, субъектив танлов, коррупциявий хавфлар, ортиқча бюрократия, лавозимда ўсишнинг ноаниқлиги ва натижа билан мукофот ўртасидаги номутаносиблик инсоннинг ташаббусини пасайтириши мумкин.

Меритократик давлатнинг муҳим амалий мезонларидан бири инсоннинг «имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқи» билан «натижа учун масъулияти» ўртасидаги мувозанатни таъминлашдир. Давлат инсонга таълим, касбий ўсиш, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш учун тенг имкониятлар яратиши мумкин, лекин натижа учун шахсий масъулият сақланиши зарур. Меритократияни ижтимоий тенглик билан айнанлаштириш тўғри эмас. Тенглик бу ерда ҳар бир инсонга бир хил натижани кафолатлаш эмас, балки қобилиятини намоён қилиш учун адолатли ва очиқ имкониятлар яратиш маъносида намоён бўлади.

Шу нуқтаи назардан, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш технологиялари ижтимоий адолат билан ҳам бевосита боғлиқ. Қобилиятли инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши, яшаш ҳудуди ёки иқтисодий имконияти унинг таълим ва меҳнат бозоридаги имкониятларини ҳаддан ташқари чеклаб

қўйса, меритократик танловнинг ўзи етарли бўлмайди. Давлатнинг ижтимоий сиёсати аҳолининг турли қатламлари учун старт имкониятларини яқинлаштиришга хизмат қилиши керак. Кам таъминланган оилалар фарзандлари учун таълим имкониятлари, чекка ҳудудлардаги ёшлар учун рақамли инфратузилма, ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилган меҳнат муҳити, хотин-қизлар учун касбий ва тадбиркорлик имкониятларини кенгайтириш каби чоралар инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг ижтимоий инфратузилмасини шакллантиради.

Хулоса. Меритократик давлатда инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш, аввало, шахснинг билим, қобилият, касбий малака ва ташаббусини ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг муҳим ресурси сифатида эътироф этишга асосланади. Янги Ўзбекистонда давлат бошқаруви, таълим, кадрлар сиёсати ва жамоат хизматларида билим, малака, компетентлик ва натижадорликка асосланган ёндашувларни кучайтириш инсон салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун институционал замин яратмоқда. Бунда инсонни давлат сиёсатининг объекти эмас, балки тараққиётнинг фаол субъекти сифатида қараш устувор аҳамият касб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим тизимини модернизация қилиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, давлат фуқаролик хизматида касбий мезонларни кучайтириш, тадбиркорлик ва инновацион фаолият учун имкониятларни кенгайтириш каби чора-тадбирлар инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг амалий механизмлари сифатида намоён бўлмоқда. Мазкур жараёнда тенг имконият – қобилиятни аниқлаш – салоҳиятни ривожлантириш – натижани баҳолаш – муносиб рағбатлантириш ўзаро боғлиқ тизим сифатида шаклланиши меритократик бошқарувнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Умуман, Янги Ўзбекистон шароитида меритократик ёндашувни ривожлантириш инсон салоҳиятини миллий тараққиётнинг стратегик капиталига айлантиришга хизмат қилади. Бунда давлатнинг вазифаси фақат иқтидорли ва салоҳиятли шахсларни танлаш билан чекланмай, балки ҳар бир фуқаронинг ўз қобилиятини намоён этиши учун адолатли рақобат, очиқ имконият, сифатли таълим, касбий ўсиш ва ижтимоий мобиллик муҳитини таъминлашдан иборат бўлади. Шу асосда меритократия инсон салоҳиятини юксалтириш ва уни барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётга йўналтиришнинг муҳим институционал омили сифатида намоён бўлади.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

SHAXS OTI VA MILLIY-MADANIY TASHIQ ISHROTI: O‘ZBEK VA NEMIS ANTROPONIMLARINING LINGVOKULTUROLOGIK VA LINGVOPRAGMATIK QIYOSTAHLILI

Asadova Fotima Nusratovna
katta o‘qituvchi
Goethe Institut Taschkent

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada o‘zbek va nemis tillaridagi antroponimik birliklarning (kishi nomlarining) milliy-madaniy xususiyatlari, lisoniy dunyo manzarasidagi o‘rni hamda nutqiy muloqotdagi pragmatik funksiyalari qiyosiy aspektda tadqiq etiladi. Inson ismlarining shakllanishida har ikki xalqning tarixiy-madaniy tajribasi, e’tiqodi, an’anaviy qadriyatlari va kollektiv xotirasi qanday namoyon bo‘lishi tahlil qilinadi. Shuningdek, antroponimlarning adresat va adresant o‘rtasidagi ijtimoiy masofa, hurmat, yaqinlik hamda pragmatik ta’sir o‘tkazish vositasi sifatidagi lisoniy imkoniyatlari yoritiladi.

KALIT SO‘ZLAR: antroponimika, lingvokulturologiya, lingvopragmatika, o‘zbek tili, nemis tili, lisoniy dunyo manzarasi, milliy mentalitet, madaniy konnotatsiya, qiyosiy tahlil.

Zamonaviy tilshunoslikda tilni faqatgina axborot uzatish va aloqa quroli sifatida emas, balki muayyan millatning madaniyati, ruhiyati, dunyoqarashi va tarixiy xotirasini saqlovchi murakkab kognitiv-semiotik tizim sifatida o‘rganish ustuvor yo‘nalishga aylandi. Antropotsentrik paradigma doirasida olib borilayotgan lingvokulturologik va pragmalingvistik tadqiqotlar til birliklarining zamirida yashiringan milliy-madaniy mazmunni ochib berishga xizmat qilmoqda.

Onomastikaning eng faol va serqirra tarmog‘i bo‘lgan antroponimika (kishi nomlarini o‘rganuvchi soha) inson va jamiyat o‘rtasidagi uzviy bog‘liqlikni namoyon etadi. Ism qo‘yish act-i shunchaki shaxsni boshqalardan ajratib ko‘rsatish (identifikatsiya) vositasi bo‘lib qolmay, o‘zida chuqur ijtimoiy-madaniy, diniy, mifologik hamda lingvopragmatik kodlarni tashqi dunyoga namoyish etadi. Shu nuqtai nazardan, turli oilaga mansub bo‘lgan o‘zbek (turkiy) va nemis (german) tillaridagi antroponimik tizimni qiyosiy o‘rganish har ikki xalqning lisoniy dunyo manzarasidagi umumiylik va milliy-spetsifik xususiyatlarni aniqlash imkonini beradi.

Ushbu tadqiqotda qiyosiy-chog‘ishtirma, komponentli tahlil, lingvokulturologik va lingvopragmatik tahlil usullaridan foydalanildi. Maqolaning nazariy-metodologik asosini jahon va o‘zbek tilshunosligida tan olingan A. Wierzbicka, D. Dobrovol’skij va E. Piirainen, D.U. Ashurova va M.R. Galieva hamda E. Begmatov kabi nomshunos va lingvokulturolog olimlarning fundamental qarashlari tashkil etadi. O‘zbek va nemis antroponimiyasining tahlili ko‘rsatadiki,

kishi nomlari lisoniy belgi sifatida quyidagi uchta asosiy bosqichdan iborat model bo‘yicha amalga oshadi:

Lisoniy birlik (ism) → Semantik/Etimologik mazmun → Madaniy konnotatsiya → Pragmatik funksiya.

Har bir xalqning antroponimik fondi uning ko‘p asrlik davrlar mobaynida toplagan hayotiy tajribasi va qadriyatlar tizimini namoyon etadi. O‘zbek va nemis antroponimiyasida ismlarning kelib chiqishi va unga yuklangan ma’no-mazmun borasida ham umumiyliklar, ham jiddiy tafovutlar ko‘zga tashlanadi.

O‘zbek lingvomadaniyatida antroponimlar: O‘zbek milliy ismlar tizimida ezgu tilak, niyat, himoya, diniy e’tiqod va qabilaviy-etnik ildizlar yetakchi o‘rin tutadi. Masalan:

Tilak va orzu-umid ismlari: Bo‘ri, Toshpulot, Umirzoq (hayotiy chidamlilik va uzoq umr ko‘rish istagi); Omon, Sardor, Gulnora.

Diniy-mifologik va alluziv antroponimlar: Muhammad, Ismoil, Fatima va boshqalar. O‘zbek madaniyatida ism va shaxs taqdiri o‘rtasida sehrli/simvolik bog‘liqlik mavjud deb ishoniladi (nomning insonga ta’siri).

Nemis lingvomadaniyatida antroponimlar: Nemis kishi nomlarining eng qadimiy qatlami qadimgi german qabilalarining harbiy-jasorat kodi, tabiat vositalari hamda xristianlik davri an’analari bilan bog‘liq:

Jasorat va kuch-quvvat semasi: Heinrich (*heim* — uy, *rich* — hukmdor), Friedrich (*friede* — tinchlik, *rich* — hukmdor), Bernhard (*bär* — ayiq, *hart* — kuchli/jasur). *Diniy-avliyo ismlari:* Johann/Johannes, Paul, Christina.

Qiyosiy tahlil shuni ko‘rsatadiki, nemis antroponimiyasida ko‘proq ijtimoiy maqom, kuch va harbiy yetakchilik motivlari tarixiy ildizga ega bo‘lsa, o‘zbek antroponimiyasida hayotni asrash, oilaviy farovonlik, ezgu niyat va tabiat unsurlari asosiy motivatsiyani tashkil etadi.

Nutqiy muloqot jarayonida antroponimlar shunchaki ob’yektni atabgina qolmay, adresat va adresant o‘rtasidagi kommunikativ munosabatni va ijtimoiy rollarni tartibga soladi. Nutqda antroponimlarning quyidagi pragmatik funksiyalari yaqqol namoyon bo‘ladi:

Antroponimlarning pragmatik funksiyalari vokativ-murojaat, ekspressiv-baholash, ijtimoiy masofa dan iborat bo’lib, (Muloqotni o'rnatish) (Erkallash / Kichraytirish) hamda (Hurmat va Reglamensiya) bildiradi.

- Vokativ va Reglamensiya funksiyasi: Muloqot jarayonida ismdan foydalanish so‘zlovchining tinglovchiga bo‘lgan munosabatini va ijtimoiy masofani (social distance) belgilaydi.

O‘zbek tilida: Ismga qo‘shiladigan -jon, -bek, -xon, -aka, -opa kabi antroponimik ko‘rsatkichlar (indikatorlar) muloqotga yaqinlik, hurmat yoki munosabat samimiyatini bag‘ishlaydi. Masalan, *Anvarjon*, *Olim aka*.

Nemis tilida: Ijtimoiy masofa rasmiy nutqda unvon va familiya orqali shakllanadi (Herr Müller, Frau Schmidt). Ismning o‘zi (*Peter*, *Anna*) faqat norasmiy va yaqin doirada qo‘llaniladi.

- Ekspressiv va Diminutiv shakllar: Har ikkala tilda ham ismlarning kichraytirish va erkallash shakllari nutqqa kuchli emotsional-ratsional bo‘yoq beradi.

O‘zbek tilida: Zulayho → *Zuli*, Jasur → *Jasurbek / Jasi*.
Nemis tilida: Karl → *Karli*, Johanna → *Hanna*, Stefan → *Steffi* (gipokoristik shakllar).

O‘zbek va nemis tillaridagi "antroponim" konseptining lingvokulturologik va lingvopragmatik xususiyatlarini qiyosiy tadqiq etish quyidagi ilmiy xulosalarga kelish imkonini beradi:

1. Antroponimlar har bir xalqning lisoniy dunyo manzarasidagi eng boy va dinamik qatlamlardan biri bo‘lib, unda millatning kognitiv va ma’naviy-madaniy tajribasi gavdalanadi.
2. O‘zbek antroponimik tizimi ko‘proq oilaviy-etnik, himoya-sehrli, diniy va ijtimoiy-orzu niyatlar bilan determinatsiyalashgan bo‘lsa, nemis antroponimiyasi tarixiy jasorat, e’tiqod va ijtimoiy-huquqiy maqom bilan uzviy bog‘liqdir.
3. Lingvopragmatik jihatdan antroponimik birliklar muloqot ishtirokchilarining ijtimoiy mavqeyini ko‘rsatish, hurmat va masofani saqlash, e’tiborni jalb qilish va emotsional munosabatni ifodalash kabi muhim vazifalarni bajaradi.

Ushbu yo‘nalishdagi izlanishlar qiyosiy tilshunoslik, lingvokulturologiya, madaniyatlararo muloqot nazariyasi hamda amaliy tarjimashunoslik uchun muhim amaliy va nazariy ahamiyatga ega.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Begmatov E. O‘zbek tili antroponimikasi. – Toshkent: Fan, 2013. – 260 b.
2. Ashurova D.U., Galieva M.R. Cultural Linguistics. – Tashkent: VneshInvest Prom, 2019. – 208 p.
3. Wierzbicka A. Understanding Cultures through Their Key Words: English, Russian, Polish, German, and Japanese. – New York; Oxford: Oxford University Press, 1997. – 317 p.
4. Ashurova Z.A. O‘zbek tilshunosligida antroponimlar tadqiqi // Xorazm Ma’mun akademiyasi axborotnomasi. – 2026. – № 9/4. – B. 18–20.

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЙ И ЛИНГВОПРАГМАТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ КОНЦЕПТА «СУЕВЕРИЕ» В РУССКОЙ И УЗБЕКСКОЙ ЯЗЫКОВЫХ КАРТИНАХ МИРА

Асадова Фотима Нусратовна,
старший преподаватель,
Goethe Institut Taschkent, Ташкент

АННОТАЦИЯ. В данной статье в сравнительно-сопоставительном аспекте исследуются лингвокультурологические и лингвопрагматические особенности концепта «суеверие» (узб. *irim*) в русской и узбекской языковых картинах мира. Рассматриваются языковые средства его объективации, национально-культурная специфика, семантические компоненты, а также ключевые прагматические функции данного концепта в различных коммуникативных ситуациях.

Ключевые слова: суеверие, ирим, концепт, лингвокультурология, лингвопрагматика, узбекский язык, русский язык, языковая картина мира, культурная коннотация, сравнительный анализ.

В современной антропоцентрической лингвистике особое место занимает исследование единиц, отражающих традиционное мировосприятие, национальные стереотипы и культурную память народа. Одним из ярких ментальных образований, глубоко укорененных в коллективном сознании разных этносов, является концепт «суеверие».

Суеверия и приметы сформировались в результате многовекового опыта человека, стремившегося объяснить причинно-следственные связи окружающего мира и спрогнозировать будущее. В языке данный концепт объективируется через разветвленную систему лексических, фразеологических и паремиологических единиц. Сопоставительный анализ репрезентации концепта «суеверие» в русском и узбекском языках позволяет выявить как универсальные когнитивные механизмы, так и уникальные этнокультурные смыслы.

Теоретико-методологической основой исследования послужили труды ведущих специалистов в области лингвокультурологии и когнитивной лингвистики: А. Вежбицкой, Д. Добровольского и Э. Пирайнен, Д.У. Ашуровой, а также работы по узбекской и русской этнолингвистике.

В процессе работы применялись метод сопоставительного анализа, метод компонентного анализа семантической структуры лексем, а также лингвопрагматический анализ контекстов речи. Модель концептуализации исследуемого явления строится по следующей схеме:
Языковой знак → Семантическое значение → Культурная коннотация → Прагматическая функция в дискурсе.

1. Лингвокультурные особенности концепта в русском и узбекском языках. В русской языковой картине мира семантическое поле рассматриваемого концепта охватывает такие единицы, как *суеверие*, *примета*, *поверье*, *предзнаменование*, *дурной знак*, *добрый знак*. В узбекском языке ему соответствует лексема *irim* (а также *irim-sirim*, *alomat*, *belgi*, *xurofot*).

Несмотря на функциональную аналогию, семантический объем лексем различается:

- В русском языке: Слово *суеверие* имеет выраженный оценочный компонент («суетная, ложная вера»), в то время как *примета* нейтральна и указывает на связь явления с будущим событием.
- В узбекском языке: Лексема *irim* объединяет в себе несколько смыслов: верование, предмет-символ, а также само *ритуальное действие*, совершаемое для предотвращения беды или привлечения удачи.

Прагматические функции суеверий и народных примет в русском и узбекском дискурсах проявляются прежде всего в регулировании поведения, выражении пожеланий и передаче культурных норм. Например, выражения «Не свисти в доме — денег не будет» и «Ostonada o‘tirma, yaxshi emas» («Не сиди на пороге — это нехорошо») выполняют запретительно-предупредительную функцию, побуждая адресата избегать определённых действий. В свою очередь, формулы «На счастье!» и «Eson-omon borib kel» («Счастливо добраться и благополучно вернуться») выражают добрые пожелания и способствуют созданию положительной эмоциональной атмосферы.

В современном дискурсе народные приметы также приобретают иронический характер, становясь средством речевой игры и установления контакта между собеседниками. Например, выражение «Соль рассыпал — к ссоре» может использоваться не как серьёзное предупреждение, а как шутливый комментарий. Таким образом, прагматические функции суеверий отражают не только сохранение традиционных верований, но и трансформацию их значений в современной коммуникации, демонстрируя взаимосвязь языка, культуры и социального взаимодействия.

Результаты исследования могут быть использованы в преподавании лингвокультурологии, межкультурной коммуникации, теории перевода и сопоставительной типологии языков.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Вежбицкая А. Понимание культур через посредство ключевых слов. — М.: Языки славянской культуры, 2001. — 288 с.
2. Добровольский Д.О., Пирайнен Э. Сопоставительная фразеология: Данные языков и типы культур // Вопросы языкознания. — 2009. — № 2. — С. 35–48.
3. Ашурова Д.У., Галиева М.Р. Шерманизация и лингвокультурология. — Ташкент: VneshInvest Prom, 2019. — 208 с.

4. Асадова Ф.Н. Лингво-культурные и лингво-прагматические свойства концепта "суеверие" // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. — 2026. — № 9/4. — С. 239–241.

ИҚТИСОД ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

IMPROVING THE DIGITAL MARKET OF NATIONAL HANDICRAFT PRODUCTS

Aslanova Dilbar Khasanovna - Professor, Samarkand Institute of Economics and Service
Safarova Dilshoda Farrukhovna-Basic Doctoral Student, Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract In the context of the global economy, the effective organization of the export process for national handicraft products is closely connected with modern digital technologies. This article analyzes the specific features of the sustainable development of national handicraft exports through online platforms. In particular, it focuses on establishing exports via e-commerce platforms, expanding opportunities to bring products to the world market, increasing the income of craftsmen, and optimizing the value-added chain.

Keywords: National handicrafts, e-commerce, digital economy, world market, export, logistics, payment security, branding.

Annotatsiya. Global iqtisodiyot sharoitida milliy hunarmandchilik mahsulotlarini eksport qilish jarayonini samarali tashkil etish zamonaviy raqamli texnologiyalar bilan chambarchas bog‘liq. Mazkur maqolada milliy hunarmandchilik mahsulotlari eksportini onlayn platformalar orqali barqaror rivojlantirishning o‘ziga xos xususiyatlari tahlil qilinadi. Xususan, elektron tijorat platformalari orqali eksportni yo‘lga qo‘yish, mahsulotlarni jahon bozoriga olib chiqish imkoniyatlarini kengaytirish, hunarmandlarning daromadlarini oshirish hamda qo‘shilgan qiymat zanjirini optimallashtirish masalalariga e’tibor qaratiladi.

Kalit so‘zlar: Milliy hunarmandchilik, elektron tijorat, raqamli iqtisodiyot, jahon bozori, eksport, logistika, to‘lovlar xavfsizligi, brending.

Аннотация. В условиях глобальной экономики эффективная организация экспортного процесса национальной продукции народных промыслов тесно связана с современными цифровыми технологиями. В данной статье анализируются особенности устойчивого развития экспорта национальной продукции народных промыслов посредством онлайн-платформ. В частности, рассматриваются вопросы организации экспорта через платформы электронной коммерции, расширения возможностей выхода продукции на мировой рынок, увеличения доходов ремесленников и оптимизации цепочки создания добавленной стоимости

Ключевые слова: народные промыслы, электронная коммерция, цифровая экономика, мировой рынок, экспорт, логистика, безопасность платежей, брендинг.

Introduction

The development of the digital economy creates opportunities to expand innovative services based on information and communication technologies in the service sector, particularly e-commerce. For this reason, all countries are paying special attention to the issue of exporting various products through the development of e-commerce, including the development of the national handicrafts market using digital technologies.

In Uzbekistan, reforms aimed at developing the e-commerce sector are also being implemented. A regulatory and legal framework has been created to improve socio-economic relations in this field. In particular, laws such as "On Informatization," "On Electronic Payments," "On Information Protection in Automated Banking Systems," "On Electronic Document Management," and "On Electronic Commerce" have been adopted. These provide additional conditions for developing entrepreneurship and improving the business environment.

Under the conditions of ongoing reforms, great attention is also being paid to the development of handicrafts. In the decrees of the President of the Republic of Uzbekistan—No. PF-5242 of November 17, 2017, "On Further Development of Handicrafts and Comprehensive Support for Craftsmen," and No. PF-91 of June 12, 2023, "On Creating Favorable Conditions for Involving the Population in Handicrafts and Developing Handicraft Activities"—a number of goals aimed at implementing targeted and comprehensive measures to fully support citizens engaged in handicraft activities are defined.

Therefore, the issue of finding scientific and practical solutions to problems such as developing the national handicrafts market, ensuring its barrier-free export, widely introducing logistical route infrastructure in the country's major tourist cities, and improving electronic payment systems remains pressing.

Literature Review

Economists evaluate the handicraft sector as an economically efficient field characterized by low capital requirements, a high value-added ratio, and great export potential.

E. F. Schumacher, in his famous work Small Is Beautiful, noted: "Crafts do not require large capital, but through the uniqueness and creativity of human labor, they add high value to the product."

Richard Florida, in his "Creative Economy Theory," put forward the theory that: "Although the means of production in handicrafts are cheap, finished goods ('hand-made,' antique variants, designer items) are valued very much on the market."

Academic Saidahror Gulamov, an academician of the Academy of Sciences of Uzbekistan, considers folk handicrafts and homeworking to be the most effective way to create "low-cost employment" in his scientific works and textbooks.

Professor Muhammadali Tursunkhodjaev, in his views, evaluates folk handicrafts as a field that has a lower capitalization level compared to large industrial enterprises, but multiplies product prices several times over due to "human capital" (skill, art, national design).

Professor Nodir Jumayev, Doctor of Economic Sciences, emphasized the role of handicrafts in creating national brands and increasing export potential in the

economy of Uzbekistan. He noted that raw material costs (clay, fabric, wood, silk) in handicrafts are low, but when finished products (ceramics, adras/atlas, woodcarving) are exported, they yield high margins and freely convertible currency receipts.

The International Trade Center (ITC) assisted in developing Uzbekistan's e-commerce strategy for 2023–2027 and emphasized that companies operating in the textile, handicraft, and tourism sectors can achieve competitive advantages through e-commerce. More than 60% of Uzbekistan's population consists of young people under the age of 30, creating a huge opportunity for developing the digital economy.

In 2023, global e-commerce trade amounted to approximately 30 trillion US dollars. While the global handicraft market stood at 562.86 billion US dollars in 2018, it is projected to reach 1,230 billion dollars by 2032—with a compound annual growth rate (CAGR) of 5.4%. The main driver of this growth is e-commerce, and e-commerce platforms provide craftsmen with access to international markets (*Handicraft Market Share, Size, Trends, Industry Analysis Report 2023–2032*).

According to a new study by Polaris Market Research, the global handicraft market size is expected to reach 1,072.31 billion dollars by 2032.

In 2024, Uzbekistan's e-commerce market reached 1.2 billion dollars (3.8% of retail trade). According to KPMG's forecast, this figure is expected to reach 1.8–2.2 billion dollars by 2027.

E-commerce eliminates intermediaries and enables direct trading on electronic platforms, reducing transaction costs, increasing supply chain efficiency, and creating jobs in restricted regions.

Discussion and Results

The necessity of scientifically researching the field arises from addressing issues such as preserving the rich cultural heritage and historical traditions of the peoples of Uzbekistan, supporting individuals engaged in handicraft activities, improving the vocational training system for craftsmen, regulating their supply with material, technical, and financial resources, increasing the quality of handicraft products according to market demand, increasing exports, and utilizing entrepreneurship in handicraft activities.

The high cultural value of handicrafts in Uzbekistan and the high export potential of handicraft products constitute the core essence of improving the economic mechanism of exporting national handicraft products via online platforms. This system encompasses a complex of systematic processes ranging from the production of handicraft products to their delivery to foreign consumers. The main elements forming this system include production, placement on digital platforms, marketing (SMM, SEO, storytelling), payment systems, logistics, and state support.

According to International Trade Center (ITC) data, all craftsmen in developing countries face major barriers in exporting handicraft products: high shipping costs, complex customs regulations, and inadequate digital infrastructure.

For landlocked countries in Central Asia, these problems have an even greater negative impact. For countries without ports, trade costs are estimated to be equivalent to a 540% , which sharply reduces the competitiveness of entrepreneurs.

It is appropriate to divide these problems into the following main groups:

- Low mastery of digital trading skills among craftsmen.
- High logistics costs within Uzbekistan.
- Problems with integration into global payment systems.
- Insufficient marketing and branding skills.
- Difficulty in accessing major global platforms (such as Etsy or Amazon).

To systematically solve these problems, we propose implementing the following comprehensive solutions:

- **Enhancing digital trading and e-commerce skills:** Launching practical digital trading (Etsy, eBay, Shopify) courses for craftsmen in every region through cooperation between the "Hunarmand" Association and the IT Park. Establishing "Trading Houses" and intermediary service companies that take on the responsibility of placing products on platforms and managing sales for master craftsmen with insufficient digital skills.
- **Reducing logistics costs:** Establishing a system to pre-load craftsmen's products in bulk into affordable fulfillment warehouses in the USA and Europe. This cuts delivery times and costs by 2 to 3 times. Modernizing "Uzbekistan Post": concluding preferential tariff agreements with international courier services (DHL, FedEx) and subsidizing international parcel delivery prices of the national postal operator. *(Note: Fulfillment is the complex of logistics and warehousing operations extending from the moment a customer orders a product online until they receive it in hand, including receiving, storing, order processing, packaging, delivery, and handling returned goods.)*
- **Integration with global payment systems:** Implementing integration with international payment systems (PayPal, Stripe). Completing negotiations with these payment systems at the state level to create opportunities for direct receipt of funds onto Uzbek bank cards. Fintech solutions: developing practical guidelines for remotely registering legal entities through neighboring countries (E-Residency) and legally accepting payments.
- **Developing marketing and branding:** Storytelling and visual content creation: assisting in creating professional visual content (photo/video) that promotes not just the product itself, but the history and national culture behind it ("Made in Uzbekistan"). Quality certification and packaging: developing standards for international-standard, eco-friendly, and safe packaging.
- **Facilitating access to major platforms (Etsy, Amazon):** Launching a centralized consulting service for opening and verifying seller accounts on Etsy or Amazon. Providing craftsmen with the opportunity to enter the global market not individually, but through an export platform under a single national brand (e.g., Craft Uzbekistan or All Made Uzbekistan).

According to UNESCO data, global sales of culturally significant handmade products exceeded $65.1 billion in 2021.

This figure confirms the importance of handicrafts both as a custodian of cultural heritage and as a tool for economic development. If we evaluate the

handicraft products market based on this data, we can express it in the following table:

1-table

Assessment of the Handicraft Products Market

Factor	Evaluation
Market Potential	Very high
Social Impact	Strong (women, rural population, older adults, and youth)
Competitiveness	High through cultural uniqueness (individuality)
Main Barriers	Logistics, branding, digital literacy
Role of the State	Decisive (legal framework, tax incentives, training, infrastructure)

Conclusion and Recommendations

In conclusion, it should be emphasized that exporting national handicraft products through online platforms is not only trade, but also the most effective and modern way of conducting cultural diplomacy, international relations, poverty reduction, and job creation.

According to a new study by Polaris Market Research, the global handicraft market size reaching $1,072.31 billion by 2032 demonstrates how important it is to develop this sector. Furthermore, the sustainable development of e-commerce leads to improving the living standards of the local population, reviving and showcasing our cultural heritage to the world community, making rational use of our unique heritage, and serving the interests of everyone interested in tourism activities.

The electronic commerce sector of handicraft products faces the following problems: lack of digital trading skills among craftsmen, high logistics costs in Uzbekistan, integration problems with global payment systems, insufficient marketing and branding skills, and difficulty in accessing major global platforms (such as Etsy or Amazon).

To systematically solve these problems, we propose implementing the following comprehensive solutions:

- To enhance digital trading and e-commerce skills, launch practical digital trading (Etsy, eBay, Shopify) courses for craftsmen in each region in cooperation with the "Hunarmand" Association and IT Park.
- Establish "Trading Houses" and intermediary service companies to place products on platforms and manage sales for master craftsmen with insufficient digital skills.
- Establish a system to pre-load craftsmen's products in bulk into affordable fulfillment warehouses in the USA and Europe, cutting delivery times and costs by 2–3 times.
- Modernize "Uzbekistan Post" by concluding special preferential tariff agreements with international courier services (DHL, FedEx) and subsidizing international parcel delivery prices of the national postal operator.
- Implement integration with international payment systems (PayPal, Stripe).

- Develop practical guidelines for remotely registering legal entities through neighboring countries (E-Residency) and legally accepting payments.
- Develop marketing and branding through storytelling and visual content creation to promote the history and national culture behind products ("Made in Uzbekistan").
- Develop standards for international-standard, eco-friendly, and safe packaging.
- Launch centralized consulting services to facilitate access to major platforms (Etsy, Amazon).
- Enable craftsmen to enter the global market not individually, but through an export platform operating under a single national brand (e.g., Craft Uzbekistan or All Made Uzbekistan).

LIST OF REFERENCES

1.Global Rankings 2018 / Logistics Performance Index /The World Bank – Access mode – [https://lpi.worldbank.org/international/global/2018]. – Date of access: 10.10.2020.

2. Ilesaliev D.I, Avaz M.M. Research package efficiency general cargo // International Journal of Engineering and Advanced Technology, 2019, T. 9, Vol. 1, C. 6880-6884.

3. Земскова О.М. Логистика в России и за рубежом: сравнительный анализ / О.М. Земскова, М.М. Щепотько // Экономика и современный менеджмент: теория и практика: сб. ст. по матер. LVI междунар. науч.-практ. конф. № 12(54). – Новосибирск: СибАК, 2015.

4. Зорина Т.Г Логистический рейтинг 2018: Лидеры и аутсайдеры / Т.Г. Зорина, Ю. Трухан // Наука и инновации, 2019. – Т. 2. – № 192. – С. 51-55.

8. Научный электронный журнал «Экономика и инновационные технологии». № 4, июль-август 2020 г. 4/2020 (№ 00048) http://iqtisodiyot.tsue.uz 294

5. Ilesaliev D.I, Avaz M.M. Research package efficiency general cargo // International Journal of Engineering and Advanced Technology, 2019, T. 9, Vol. 1, C. 6880-6884.

ICHKI TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI MARKETINGDAN SAMARALI FOYDALANISH

Sulaymonova Munojat Dilshodbek qizi
Abu Rayhon Beruniy nomidagi
Urganch davlat universiteti
“Turizm va mehmondo‘stlik” mutaxasissligi
M261-Turizm (kunduzgi) guruhi talabasi**;**
Ismailova Nilufar Mardonbek qizi
Abu Rayhon Beruniy nomidagi
Urganch davlat universiteti
“Turizm va mehmondo‘stlik” mutaxasissligi
M261-Turizm (masofaviy) guruhi talabasi.

Annotatsiya. Mazkur maqolada ichki turizmni rivojlantirishda raqamli marketing vositalaridan samarali foydalanishning nazariy va amaliy jihatlari yoritilgan. Hamda turistik hududlarni internet tarmoqlari orqali targ‘ib qilish, ijtimoiy media marketingi, qidiruv tizimlarini optimallashtirish, raqamli reklama va onlayn bronlashtirish xizmatlarining ahamiyati asoslangan.

Аннотация. В данной статье рассматриваются теоретические и практические аспекты эффективного использования инструментов цифрового маркетинга в развитии внутреннего туризма. Также обсуждается важность продвижения туристических зон через интернет-сети, маркетинг в социальных сетях, поисковую оптимизацию, цифровую рекламу и онлайн-сервисы бронирования.

Abstract. This article examines the theoretical and practical aspects of the effective use of digital marketing tools in the development of domestic tourism. It also highlights the importance of promoting tourist destinations via the Internet, as well as the roles of social media marketing, search engine optimization, digital advertising, and online booking services.

Kalit so‘zlar. Ichki turizm, raqamli marketing, turistik xizmatlar, ijtimoiy tarmoqlar, onlayn reklama, turistik destinatsiya, elektron bronlash, raqamli texnologiyalar.

Ключевые слова. Внутренний туризм, цифровой маркетинг, туристические услуги, социальные сети, онлайн-реклама, туристическое направление, электронное бронирование, цифровые технологии.

Key words. Domestic tourism, digital marketing, tourism services, social networks, online advertising, tourist destination, online booking, digital technologies.

Bugungi kunda turizm sohasi mamlakatlar iqtisodiyotining tarkibiy qismi sifatida hududlar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi, aholi bandligini ta’minlash,

xizmatlar bozorini kengaytirish va mahalliy tadbirkorlikni rag‘batlantirishda muhim o‘rin egallaydi. Chunki, ichki turizmni rivojlantirish aholining mamlakat hududlaridagi tarixiy-madaniy yodgorliklar, tabiiy resurslar, ziyoratgohlar va zamonaviy dam olish maskanlari bilan tanishish imkoniyatlarini kengaytiradi. Bu borada turizm sohasida raqobatning kuchayishi turistik mahsulotlarni an’anaviy usullar bilan targ‘ib qilishning o‘zi yetarli emasligini ko‘rsatmoqda. Mazkur raqamli marketing turistik xizmatlar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni keng auditoriyaga yetkazish, potensial turistlarni jalb qilish, ularning ehtiyojlarini aniqlash va xizmatlarni sotish jarayonlarini takomillashtirish vositasi bo‘lib hisoblanadi.

Turizm sohasida marketing munosabatlarini samarali rivojlantirishga qaratilgan O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil 18-iyuldagi O‘RQ-549-son “Turizm to‘g‘risida”gi qonuni turizm sohasidagi munosabatlarni huquqiy tartibga solishning asosiy normativ-huquqiy manbai bo‘lib hisoblanadi [1]. Mazkur qonunchilik asoslarini raqamli texnologiyalardan foydalanish bilan uyg‘unlashtirish ichki turizm sub’ektlarining axborot tarqatish, turistik xizmatlarni tashkil etish va iste’molchilar bilan aloqalarini rivojlantirish uchun muhim ahamiyatga ega.

Raqamli marketing - raqamli kanallar va texnologiyalar orqali mahsulot hamda xizmatlarni targ‘ib qilish, iste’molchilar bilan munosabatlarni shakllantirish va marketing natijalarini baholashga qaratilgan faoliyatdir. Ya’ni, raqamli marketing turistik xizmatlar va destinatsiyalarni internet, ijtimoiy tarmoqlar hamda boshqa raqamli kanallar orqali targ‘ib qilish, iste’molchilar bilan samarali muloqot o‘rnatish va turistik mahsulotlarning bozordagi raqobatbardoshligini oshirishga qaratilgan marketing faoliyatidir [2]. Buning natijasida ichki turistik sayohatlar mehmonxona, umumiy ovqatlanish, transport, savdo va ko‘ngilochar xizmatlarga bo‘lgan talabni oshiradi. Aqlli turizm esa turistik destinatsiyalarda raqamli texnologiyalar va axborot-kommunikatsiya vositalaridan foydalanib, ma’lumotlarni yig‘ish, qayta ishlash, turistik tajriba va xizmatlar samaradorligini oshirish tizimidir [3].

Ichki turizmda raqamli marketingning ahamiyati turistik mahsulotni sayohatdan oldin tanlash, sayohat davomida zarur axborotni olish va sayohatdan keyingi taassurotlarni boshqa iste’molchilar bilan bo‘lishish jarayonlarida namoyon bo‘ladi. Bu quyidagi yo‘nalishlarga asoslanadi:

- ijtimoiy tarmoqlar marketingi ichki turizmni ommalashtirishning samarali vositasi bo‘lib qaraladi. Bunda kontent sifati, axborotning ishonchliligi va muntazam yangilanishi zarur bo‘lib hisoblanadi.

- qidiruv tizimlari marketingi turistik ob’ektlarni internet orqali izlayotgan foydalanuvchilarni jalb qilish imkonini beradi. Turistik korxonalar veb-saytlarini qidiruv tizimlariga moslashtirish, hududlar nomi va turistik xizmatlarga oid kalit so‘zlardan foydalanish orqali auditoriyani axborot olish imkoniyati kengaytiriladi.

- maqsadli raqamli reklama turistik xizmatlarni muayyan iste’molchilar guruhlariga yo‘naltirish imkonini yaratadi. Reklama tadbirlarini yosh, qiziqish, sayohat maqsadi, mavsum va to‘lov qobiliyati kabi mezonlar bo‘yicha segmentlash orqali marketing xarajatlaridan oqilona foydalanish mumkin.

- onlayn bronlashtirish va raqamli to‘lov xizmatlari xizmatlardan foydalanish jarayonini soddalashtiradi. Turistik korxonalar mobil platformalar orqali mehmonxona, ekskursiyalar, transport va tayyor turistik paketlarni taklif etiladi.

Shu bilan birga, raqamli marketingning samaradorligi faqat internetdagi ko‘rishlar yoki obunachilar soni bilan belgilanmasligi lozim. Ushbu samaradorlik natijalarini baholashda veb-saytga tashriflar, reklama orqali kelgan murojaatlar, onlayn bronlashlar, bronlashning sotuvga aylanish darajasi, mijozni jalb qilish xarajatlari, takroriy xarid va turistlar qoniqishi ko‘rsatkichlaridan foydalanish lozim.

Fikrimizcha, ichki turizmda raqamli marketingni yanada rivojlantirish uchun quyidagi yo‘nalishlarga e’tibor qaratish zarur:

- hududlarning turistik salohiyatini aks ettiruvchi ko‘p tilli va mobil qurilmalarga mos veb-saytlar yaratish;
- turistik ob’ektlarning geografik joylashuvi, ish vaqti, narxlari va xizmatlari to‘g‘risidagi ma’lumotlarni muntazam yangilash;
- elektron bronlashtirish, raqamli to‘lov va onlayn maslahat xizmatlarini rivojlantirish;
- turistlar fikr-mulohazasini tahlil qilish va xizmatlar sifatini takomillashtirish;
- raqamli marketing bo‘yicha turistik korxona xodimlari oshirish.

Xulosa qilib aytganda, raqamli marketing ichki turizmni rivojlantirish, turistik hududlarning tanilish darajasini oshirish va mahalliy xizmatlar bozorini kengaytirish vositasi bo‘lib hisoblanadi. Shularga asosan, ichki turizmda raqamli marketing samaradorligini oshirish uchun hududning turistik ixtisoslashuvini hisobga olgan marketing strategiyasini ishlab chiqish, yagona axborot muhitini shakllantirish, onlayn xizmatlar sifatini yaxshilash va marketing natijalarini ko‘rsatkichlar asosida baholash lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil 18-iyuldagi O‘RQ-549-son “Turizm to‘g‘risida”gi Qonuni. - Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi (LexUZ). Elektron manba: https://lex.uz/uz/acts/4428097

2. Christou, E., Giannopoulos, A., & Simeli, I. (2025). The Evolution of Digital Tourism Marketing: From Hashtags to AI-Immersive Journeys in the Metaverse Era. // Sustainability, 17(13). - p. 6016. https://doi.org/10.3390/su17136016

3. Gretzel, U., Sigala, M., Xiang, Z., & Koo, C. (2015). Smart tourism: Foundations and developments. // Electronic Markets, 25. - p. 181. https://doi.org/10.1007/s12525-015-0196-8

ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

BETON VA TEMIRBETON CHIQINDILARINI MAYDALAB IKKILAMCHI CHAQIQTOSH ISHLAB CHIQARISH SEXINI LOYIHALASH

Sultonova Sevara Ilyos qizi
Abu Rayhon Beruniy nomidagi
Urganch davlat universiteti dotsent o'qituvchisi
E-mail: sevara.sultanova@urdu.uz
Otaboyev Murodali Muzaffar o'g'li
Abu Rayhon Beruniy nomidagi
Urganch davlat universiteti
Texnika fakulteti 4-bosqich talabasi
E-mail: otaboyevm65@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu tezisda beton va temirbeton chiqindilarini qayta ishlab, ikkilamchi chaqiqtosh ishlab chiqarish sexini loyihalash masalalari ko'rib chiqilgan. Beton chiqindilarini maydalash, temir armaturani ajratish, maydalangan materialni elash va tayyor mahsulotni fraksiyalarga ajratish jarayonlari tahlil qilingan. Ikkilamchi chaqiqtoshdan qurilishda foydalanish orqali tabiiy tosh materiallariga bo'lgan ehtiyojni kamaytirish, chiqindilarni qayta ishlash va resurslardan samarali foydalanish imkoniyatlari asoslangan.

Kalit so'zlar: beton chiqindisi, temirbeton chiqindisi, ikkilamchi chaqiqtosh, maydalash, saralash, elash, armatura, magnit separator, qayta ishlash, qurilish materiallari.

Beton va temirbeton chiqindilarini qayta ishlash. Qurilish obyektlarini buzish, rekonstruksiya qilish va kapital ta'mirlash jarayonlarida katta miqdorda beton va temirbeton chiqindilari hosil bo'ladi. Ushbu materiallarni qayta ishlash orqali ulardan ikkilamchi chaqiqtosh, qum va boshqa mineral materiallar olish mumkin. ГОСТ 32495-2013 aynan maydalangan beton va temirbetondan olinadigan chaqiqtosh, qum hamda qum-chaqiqtosh aralashmalariga qo'yiladigan texnik talablarni belgilaydi. Standart ushbu materiallardan beton va qorishmalar uchun to'ldiruvchi, avtomobil yo'llari asoslari, obodonlashtirish va hududlarni rejalashtirishda foydalanish imkoniyatlarini ham ko'rsatadi. [1, 1-bo'lim]

2026-yil 1-iyundan kuchga kirgan ГОСТ Р 72255-2025 esa beton va temirbetonni maydalashdan olinadigan ikkilamchi chaqiqtosh va qum uchun umumiy talablarni belgilaydi. Mazkur standart yig'ish, to'plash, tashish va qayta ishlash kabi jarayonlarni ham qamrab oladi. [2, 1-bo'lim]

Beton va temirbeton chiqindilarini qayta ishlashning asosiy maqsadi chiqindi hajmini kamaytirish va mavjud mineral xomashyodan ikkilamchi resurs sifatida foydalanishdir. Bunda chiqindi betonning fizik-mexanik xususiyatlari, tarkibidagi

metall qismlar, yirik bo‘laklarning o‘lchamlari va tayyor mahsulotga qo‘yiladigan talablar hisobga olinadi.

Ikkilamchi chaqiqtosh ishlab chiqarish texnologiyasi

Loyihalanayotgan sexda beton va temirbeton chiqindilarini qayta ishlash texnologik jarayoni quyidagi ketma-ketlikda tashkil etiladi:

Beton va temirbeton chiqindilarini qabul qilish → dastlabki saralash → yirik bo‘laklarni maydalash → metall armaturani ajratish → maydalash → elash → fraksiyalarga ajratish → tayyor chaqiqtoshni saqlash.

Dastlab chiqindilar sexning qabul qilish zonasiga keltiriladi. Bu bosqichda material tarkibidan yog‘och, plastmassa, shisha, tuproq va boshqa begona aralashmalar ajratiladi. Temirbeton chiqindilarida mavjud armatura va metall elementlarni ajratish keyingi maydalash jarayonining barqaror ishlashi uchun muhim hisoblanadi.

ГОСТ 32495-2013 maydalangan beton va temirbetondan olinadigan chaqiqtosh hamda qumning texnik talablarini, qabul qilish va sinash qoidalarini, shuningdek transport va saqlash talablarini belgilaydi. [1, 4–7-bo‘limlar]

Maydalash jarayoni

Beton chiqindilarini maydalash uchun maydalagichlar qo‘llaniladi. Yirik beton bo‘laklarini dastlabki maydalashda jag‘li maydalagichlardan foydalanish maqsadga muvofiq. Dastlabki maydalashdan keyin material ikkilamchi maydalash bosqichiga yuborilishi mumkin.

Maydalash darajasi chiqindi beton bo‘laklarining dastlabki o‘lchami va olinishi kerak bo‘lgan chaqiqtosh fraksiyasiga bog‘liq. Sexning texnologik sxemasida maydalagichdan keyin elash qurilmasining o‘rnatilishi mahsulotni zarur o‘lchamlarga ajratish imkonini beradi.

Ikkilamchi chaqiqtoshning asosiy xususiyatlari uning donadorlik tarkibi, mustahkamligi, zichligi, g‘ovakligi, suv shimuvchanligi va tarkibidagi begona aralashmalar miqdori bilan baholanadi. Ushbu ko‘rsatkichlar tayyor mahsulotni qaysi sohada qo‘llash mumkinligini belgilaydi. [1, 4-bo‘lim]

Elash va fraksiyalarga ajratish

Maydalashdan so‘ng hosil bo‘lgan material vibratsion yoki boshqa turdagi elak yordamida fraksiyalarga ajratiladi. Elash jarayonining vazifasi tayyor chaqiqtoshni donalar o‘lchamiga ko‘ra saralash va mahsulotning bir xil tarkibini ta’minlashdan iborat.

Tabiiy chaqiqtosh uchun qo‘llaniladigan ГОСТ 8267-93 chaqiqtoshning qurilish ishlarida, jumladan og‘ir beton uchun to‘ldiruvchi sifatida qo‘llanishini belgilaydi. Mazkur standart tabiiy tog‘ jinslaridan olinadigan chaqiqtoshga tegishli bo‘lib, ikkilamchi beton chaqiqtosh uchun esa maxsus ГОСТ 32495-2013 qo‘llanadi. [3, 1-bo‘lim]

Ikkilamchi chaqiqtoshning qurilishdagi qo‘llanilishi

Maydalangan beton va temirbetondan olingan chaqiqtosh qurilish materiallari ishlab chiqarishda ikkilamchi to‘ldiruvchi sifatida ishlatilishi mumkin. ГОСТ 32495-2013 bo‘yicha bunday materiallardan beton va qorishmalar uchun to‘ldiruvchi, yo‘l asoslari, yo‘l yoqalari, hududlarni obodonlashtirish va rejalashtirish ishlarida foydalanish mumkin. [1, 1-bo‘lim]

Beton ishlab chiqarishda to‘ldiruvchining sifati alohida ahamiyatga ega. ГОСТ 26633-2015 konstruktiv og‘ir va mayda donali betonlarga qo‘yiladigan texnik talablarni, ularni qabul qilish va nazorat qilish usullarini belgilaydi. [4, 1-bo‘lim]

Shuning uchun loyihalanayotgan sexda ishlab chiqariladigan ikkilamchi chaqiqtoshning sifati laboratoriya nazorati orqali tekshirilishi va uning qo‘llanish sohasi mahsulotning amaldagi me’yoriy talablarga muvofiqligiga qarab belgilanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

[1] ГОСТ 32495-2013. *Щебень, песок и песчано-щебеночные смеси из дробленого бетона и железобетона. Технические условия.* — М.: Стандартинформ, 2014.
[2] ГОСТ Р 72255-2025. *Отходы строительных материалов, образующиеся при сносе зданий. Щебень и песок вторичные из дробленого бетона и железобетона. Общие требования.* — М., 2025. Kuchga kirish sanasi: 01.06.2026.
[3] ГОСТ 8267-93. *Щебень и гравий из плотных горных пород для строительных работ. Технические условия.* — М.: Стандартинформ.
[4] ГОСТ 26633-2015. *Бетоны тяжелые и мелкозернистые. Технические условия.* — М.: Стандартинформ, 2016.

YO‘LBOP KLINKER TOSHLARINI ISHLAB CHIQARISH KORXONASINI TEXNOLOGIK JIHATDAN LOYIHALASH

S.I. Nurmuxamedov
Abu Rayhon Beruniy nomidagi
Urganch davlat universiteti,
“Qurilish” kafedrasi dots. v.b.
E-mail: sanjarbek.n@urdu.uz
O.G‘. Solayev
Abu Rayhon Beruniy nomidagi
Urganch davlat universiteti,
“Qurilish” kafedrasi talabasi
E-mail: saloyevotabek68@gmail.com

Annotatsiya. Maqolada yo‘lbop klinker toshlarini ishlab chiqarish korxonasini texnologik jihatdan loyihalash masalalari tahlil qilinadi. Xomashyoni tanlash, maydalash, dozalash, aralashtirish, shakllantirish, quritish va kuydirish bosqichlarining mahsulot sifatiga ta’siri ko‘rib chiqilgan, EN 1344:2013 standarti hamda amaldagi me’yoriy hujjatlar talablari tahlil qilingan. Natijada texnologik jarayon ketma-ketligi, uskunalar tarkibi, korxona zonalari va sifat nazorati tizimi asoslab berildi.

Kalit so‘zlar: yo‘lbop klinker toshi, keramik massa, gil xomashyosi, shakllantirish, quritish, kuydirish, tunnel pechi, sifat nazorati.

KIRISH

Avtomobil yo‘llari, piyodalar yo‘laklari va maydonlarni qurishda uzoq muddat xizmat qiladigan, tashqi muhit ta’siriga chidamli qoplama materiallaridan foydalanish muhim ahamiyatga ega. Yo‘l qoplamalari doimiy mexanik yuklanish, namlik, haroratning o‘zgarishi, muzlash-erish va ishqalanish ta’sirida bo‘ladi. Shu nuqtayi nazardan keramik asosdagi yo‘lbop klinker toshlari qurilish materiallari sanoatining istiqbolli yo‘nalishlaridan biridir.

Klinker toshlari maxsus tarkibli gil xomashyosini shakllantirish va yuqori haroratda kuydirish orqali olinadi; kuydirishda minerallarning fizik-kimyoviy o‘zgarishi natijasida zich va mustahkam keramik struktura hosil bo‘ladi [1]. O‘zbekistonda mahalliy yengil eruvchan lyossimon suglinkalardan klinker g‘isht olish imkoniyatlari o‘rganilgan [3]. Shu sababli ishlab chiqarish texnologiyasini takomillashtirish, mahalliy xomashyodan samarali foydalanish va energiya sarfini kamaytirish dolzarb ilmiy-amaliy masala hisoblanadi.

Tadqiqot maqsadi — mahalliy xomashyodan yuqori ekspluatatsion xususiyatli yo‘lbop klinker toshlari ishlab chiqaradigan korxonaning texnologik sxemasini ishlab chiqish va asosiy uskunalarni tanlash. Buning uchun xomashyo tarkibi, tayyorlash jarayonlari, shakllantirish usuli, quritish va kuydirish rejimlari hamda sifat nazorati belgilandi.

MATERIALLAR VA METODLAR

Tadqiqotda tahliliy-loyihaviy yondashuv qo‘llanildi: keramika va qurilish materiallari texnologiyasiga oid ilmiy-texnik adabiyotlar [1–3, 5], EN 1344:2013 standarti [4] hamda texnik tartibga solish, avtomobil yo‘llarini loyihalash va mehnat muhofazasiga oid me’yoriy hujjatlar [6–9] o‘rganildi. Texnologik sxema, korxona zonalari va uskunalar tarkibi qurilish materiallari korxonalarini loyihalash tamoyillari [5] asosida shakllantirildi.

Xomashyo sifatida keramika sanoatida qo‘llaniladigan gil materiallari qabul qilindi. Xomashyoning mineralogik va kimyoviy tarkibi mahsulotning zichligi, mustahkamligi, suv shimuvchanligi, rangi va kuydirishdagi deformatsiyasiga bevosita ta’sir qiladi [1, 2]. Shu sababli tanlashda granulometrik tarkib, plastiklik soni, namlik, karbonatli qo‘shimchalar miqdori va kuydirishdagi xatti-harakati aniqlanishi lozim. Mahalliy xomashyo transport xarajatlarini kamaytiradi va tannarxni pasaytiradi.

NATIJALAR

Texnologik jarayon ketma-ketligi.

Tahlil asosida quyidagi texnologik zanjir ishlab chiqildi: xomashyoni qazib olish → maydalash → dozalash → aralashtirish va namlash → massani yetiltirish → shakllantirish → quritish → kuydirish → sovitish → saralash → tayyor mahsulot ombori. Har bir bosqich keyingi jarayon sifatiga bevosita ta’sir qiladi; asosiy bosqichlar, uskunalar va nazorat parametrlari 1-jadvalda keltirilgan [1, 2, 5].

1-jadval. Texnologik bosqichlar, uskunalar va nazorat parametrlari

Bosqich	Asosiy uskuna / usul	Nazorat parametrlari
Maydalash	Valikli va bolg‘ali maydalagich, gil maydalagich, elak	Granulometrik tarkib, begona qo‘shimchalar
Dozalash va aralashtirish	Dozator, aralashtirgich	Komponent nisbati, namlik, bir jinslilik
Shakllantirish	Plastik yoki yarim quruq presslash	O‘lcham, shakl, zichlik, yoriqlar
Quritish	Quritish kameralari (bosqichma-bosqich rejim)	Harorat, davomiylik, qoldiq namlik
Kuydirish	Tunnel pechi	Harorat rejimi, pechda bo‘lish vaqti, bir tekislik
Sovitish va saralash	Nazoratli sovitish, saralash	Tashqi ko‘rinish, o‘lcham, mustahkamlik, suv shimuvchanlik

Xomashyoni tayyorlash va shakllantirish.

Maydalashdan maqsad xomashyoni bir xil granulometrik tarkibga keltirishdir: yirik zarrachalar kamayishi massaning bir jinsliligini oshiradi va kuydirishda bir tekis zichlashishni ta’minlaydi. Dozalash aniqligi sifat barqarorligini belgilaydi, aralashtirishda esa komponentlar tekis taqsimlanib, shakllantirish uchun zarur namlik hosil qilinadi. Shakllantirish usuli (plastik yoki yarim quruq presslash)

xomashyo plastikligi, mahsulot shakli va ishlab chiqarish quvvatiga qarab tanlanadi.[6, 7, 8, 9].

MUHOKAMA

Mahsulot sifatiga xomashyoning mineralogik tarkibi, tayyorlanish darajasi, namlik, shakllantirish bosimi, quritish tezligi va kuydirish rejimi kompleks ta’sir qiladi. Quritish noto‘g‘ri tashkil etilsa, yoriq va deformatsiyalar paydo bo‘ladi; kuydirish harorati yetarli bo‘lmasa, zichlik va mustahkamlik pasayadi, haddan tashqari kuydirilsa, buyum deformatsiyalanadi. Shuning uchun har bir bosqichda parametrlar nazorati va laboratoriya tekshiruvi zarur. Mahalliy xomashyo ishlatish tashish masofasini qisqartirib iqtisodiy samaradorlikni oshiradi, uskunalar unumdorligini o‘zaro muvofiqlashtirish esa korxonaning uzluksiz ishlashini ta’minlaydi. Loyihalashda atrof-muhitga ta’sir ham baholanadi: maydalash va elash bo‘limlarida changni tutish, pech gazlarini tozalash va chiqindilarni qayta ishlatish ekologik yukni kamaytiradi. Xomashyoning aniq tarkibi va kuydirish harorati keyingi laboratoriya tadqiqotlarida aniqlanishi lozim.

XULOSA

Yo‘lbop klinker toshlari korxonasini loyihalashda xomashyo tarkibini to‘g‘ri tanlash, texnologik bosqichlarni izchil tashkil etish va zamonaviy uskunalardan foydalanish hal qiluvchi ahamiyatga ega. Xomashyoni tayyorlash, shakllantirish, quritish va kuydirish mahsulot sifatini belgilovchi asosiy bosqichlardir. Loyihada mahsulot sifati bilan birga energiya samaradorligi, mehnat xavfsizligi, atrof-muhitga ta’sirni kamaytirish hamda EN 1344:2013, SHNQ 2.05.02-23 va O‘RQ-819-son Qonun talablariga muvofiqlik ta’minlanishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Yusupova M.N., Ismatov A.A. Keramika va olovbardosh materiallar texnologiyasi. — Toshkent: Fan va texnologiya, 2011.
2. Samig‘ov N.A. Qurilish materiallari va buyumlari. — Toshkent, 2013.
3. Yunusov M.Yu., Babaev Z.K., Saidnazarova I.S. Получение клинкерного кирпича на основе легкоплавких лессовых суглинков.
4. EN 1344:2013. Clay pavers — Requirements and test methods.
5. Akramov X.A. Qurilish ashyolari sanoati korxonalarini loyihalash. — Toshkent: O‘zbekiston, 2003.
6. O‘zbekiston Respublikasining “Texnik jihatdan tartibga solish to‘g‘risida”gi O‘RQ-819-son Qonuni, 27.02.2023.
7. O‘zbekiston Respublikasining “Standartlashtirish to‘g‘risida”gi Qonuni.
8. SHNQ 2.05.02-23 “Avtomobil yo‘llari. Loyihalash talablari”. Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirining 23.08.2024-yildagi 01/2-61-son buyrug‘i bilan tasdiqlangan.
9. O‘zbekiston Respublikasining “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi O‘RQ-410-son Qonuni.

БИОМЕДИЦИНА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

COURSE OF OTOMYCOSIS DISEASE IN CHILDREN

Sulaymonov Juraboy Orifjon ogli
Resident Tashkent State medicak university
Tashkent city, Uzbekistan
Amonov Murad Halimovich
Independent researcher of
Bukhara State Medical Institute
Bukhara city, Uzbekistan
bonusha-uz@list.ru

Fungal otitis externa is common in children (40%), followed by ear infections after surgery (22%), and fungal otitis (18.9%) is the third most common. It should also be noted that the percentage of hospitalized children with fungal diseases of the ear and upper respiratory tract is increasing every year.

The purpose of the study: to study the characteristics of ear microflora in children with otomycosis in Bukhara.

Research material and method: As a research material, 120 children aged 1-10 years who were being treated in the Department of Otorhinolaryngology of Bukhara Regional Children's Multidisciplinary Medical Center were examined.

In the study, taking into account the duration of the disease and the specificity of the treatment, the patient children were divided into 4 groups according to the spread of the disease: 1 group of 50 children with fungal inflammation of the external auditory canal, 2 group of 24 children with fungal myringitis, 3 group of 30 children with fungal otitis media. children, 4 groups were made up of 26 children with post-surgical fungal otitis. General examination, collection of anamnesis data, endoscopic examination, X-ray (x-ray, MSCT, MRI) examination, audiometry, microbiological and mycological examination, immunological examination were performed in all patient children. All obtained data were subjected to statistical analysis. Results were analyzed using Statistica 8.0 software.

Research results and their discussion: When the age of sick children is analyzed according to the WHO classification, 9 children in group 1 are 1-2 years old, 17 children are 3-6 years old, 24 children are 7-10 years old, 9 children in group 2 are 3-6 years old, 15 7-10 years old, 2 out of 3 groups of children were 3-6 years old, 28 were 7-10 years old, all 4 groups of children were only 7-10 years old. The prevalence of otomycosis was equally high in boys and girls. But according to the type of disease, the age of the patients was different, that is, external ear otomycosis was found in children of almost all ages, while the inflammatory process in the middle ear was often found in older children. Children in the study group were affected by various chronic effects, including their permanent living conditions, that

is, 45 (37.5%) children living in urban conditions, and 75 (62.5%) in rural conditions.

Microbiological and mycological examinations were carried out in the bacteriological laboratory of the Bukhara regional sanitary-epidemiological center. The resulting smears were grown in special media and the type of bacteria and fungi were analyzed using a mass spectrometer (Vitek, South Korea).

When analyzing the ear microflora of children with otomycosis, Staphylococcus aureus, Staphylococcus haemolytycus, Staphylococcus epidermidis, Pseudomonas aeruginosa, Klebsiela pneumoniae, Klebsiela oxitoca, Echerichia coli, Enterococcus faecalis, Alcaligenes species, Enterobacter aerogenes, Proteus mirabilis were found.

When analyzing the cross section of groups, 18 patients of group 1 were diagnosed with Staphylococcus aureus, 11 patients with Staphylococcus haemolytycus, 14 patients with Staphylococcus epidermidis, 6 patients with Pseudomonas aeruginosa, 5 patients with Klebsiella pneumoniae, 5 patients with group 2 patients with Staphylococcus aureus, 3 patients with Staphylococcus haemolytycus, 6 patients Staphylococcus epidermidis was identified. In groups 3 and 4, this microflora predominance was noted.

In rare cases, Klebsiella oxitoca, Echerichia coli, Enterococcus faecalis, Alcaligenes species, Enterobacter aerogenes, Proteus mirabilis were detected.

In some cases, negative results were also recorded, these cases were recorded in 6 individuals of the 1st group, 2 individuals of the 2nd group, 3 individuals of the 3rd group, and 2 individuals of the 4th group.

In 17.6% of children with otomycosis, microflora of the genus Staphylococcus was cultured, in 25.8% of cases, representatives of the genus Aspergillus, and in 15.4% of cases representatives of the genus Pseudomonas and Proteus were isolated. In 1.3% of cases, the results of studies were negative. If we analyze the results of fungal flora together with the initial diagnosis as a correspondence between the initial diagnosis and the nature of the microflora, then the group of patients with the largest initial diagnosis was diagnosed with otomycosis.

The results of culture of fungal microflora in groups of children with different initial diagnoses are presented in Table 3.4. It can be seen from this table that in the group of children diagnosed with otomycosis, the highest percentage of fungal flora of both sexes is 100%, mold fungi of the genus Aspergillus have the highest diagnostic coefficient. It should also be noted that the growth of different fungal groups in different colors and shapes was noted.

Initial diagnosis of otomycosis shows the sufficient importance and proportion of clinical data in determining the results of microbiological research of otomycosis. The opposite situation is observed in the group of children with the initial diagnosis of otitis. Despite the fact that otomycosis is not clinically manifested in this group, 100% of the results are related to fungal microflora, which may indicate the need for treatment with an initial diagnosis and an otorhinolaryngologist with a certain control, a more careful approach to this category of patient children, as well as

changes in the bacteriological examination of the ear before the development of clinical manifestations of otomycosis. indicates its existence.

Isolation of fungi is a more severe form of disruption of the microbial community, which corresponds to a more complex and severe clinical picture and determines the difficulty of treating this group of sick children. The obtained data confirmed the prevalence of otomycosis in the Bukhara region, which helped to develop the task of a detailed assessment of the possibility and effectiveness of complex treatment of otomycosis in order to improve the treatment of this disease.

Thus, 28.0% of patients with inflammatory ear diseases in Bukhara region were isolated from Staphylococcus aureus, 11.36% from Pseudomonas aeruginosa, and 43.3% from fungal flora (fungi of the genus Candida). The highest percentage of fungal culture was 87.5% in the group of patients diagnosed with "otomycosis", microbiological study shows sufficient importance and correlation of clinical data in the initial diagnosis of otomycosis.

Conclusion: The examination of children suffering from otomycosis is mainly based on a thorough microbiological and mycological examination, and it is important to identify the causative agents of the disease and to determine sensitivity and resistance to it.

References:

1. Carney A. S. Otitis externa and otomycosis //Paediatrics, The Ear, Skull Base. – CRC Press, 2018. – С. 953-958.
2. Debta P. et al. Otomycosis: A Comprehensive Review //Indian Journal of Forensic Medicine & Toxicology. – 2020. – Т. 14. – №. 4. – С. 8429.
3. Kiakojori K. et al. Assessment of response to treatment in patients with otomycosis //Iranian Journal of Otorhinolaryngology. – 2018. – Т. 30. – №. 96. – С. 41.
4. Opperman C. J., Copelyn J. Aspergillus niger otomycosis in a child with chronic otitis externa //Southern African Journal of Infectious Diseases. – 2020. – Т. 35. – №. 1. – С. 1-3.
5. Prakash S. B., Leelatejaswini R. M., Deekshita V. A clinical and microbial study of otomycosis: an original study //Journal of Evolution of Medical and Dental Sciences. – 2015. – Т. 4. – №. 71. – С. 12376-12385.

БОЛАЛАРДА БУХОРО ШАРОИТИДА ОТОМИКОЗ ТАРҚАЛИШИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Сулаймонов Жўрабой Ориф ўғли
Тошкент давлат тиббиёт университети
магистри
Амонов Мурод Халимович
Бухоро давлат тиббиёт институти
мустақил изланувчиси
bonusha-uz@list.ru

Сўнгги йилларда турли хил локализация ва клиник кўринишга эга микозлар турли мутахассисликлар шифокорлари томонидан чуқур ўрганилди. Шундай қилиб, ЖССТ маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 20%, яъни, сайёрамизнинг ҳар бешинчи аҳолиси замбуруғли инфекцияга чалинган. Дори-дармонларни назоратсиз қўллаш, нотўғри ташхис қўйиб даволаш отомикоз касаллигининг қайталанишининг ортишига, бу эса, ўз навбатида, аҳолининг ногиронлиги сонининг ошишига олиб келади.

Тадқиқот мақсади: Бухоро шароитида болаларда отомикоз тарқалишининг ўзига хослигини ўрганиш.

Тадқиқот материали ва усули: Бизнинг тадқиқотимизда Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли шифохонаси мурожаат қилган ва отомикоз ташхиси қўйилган 37 нафар болалар текширилди. Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун клиник, инструментал, лаборатор, микологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси: Отомикоз билан оғриган бемор болалар, Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази Оториноларингология бўлимида даволанишда бўлган, 1-10 ёшдаги 120 нафар бемор бола текширилди.

Отомикоз билан оғриган бемор болаларнинг асосий шикоятлари қулоқдаги қичишиш – 20,1%, қулоқдаги тиқилиш ҳисси - 17,5%, қулоқдаги оғриқ - 15,0%, қулоқдан оқинди - 12,5% бўлган шунчани ташкил қилди. Шикоятларни батафсил ёритиб бериш учун отомикознинг кучайиши даврида ва ўткир, сурункали отомикоз билан оғриган бемор болаларнинг шикоятлари алоҳида таҳлил қилинди.

Алоҳида шикоятлар гуруҳи қулоқдаги ноқулайлик ва қулоқдаги намлик ҳисси ҳақида шикоятлардан иборат бўлди. Қулоқдаги ноқулайликдан шикоятлар 10,8% ҳолларда сурункали отомикоз билан оғриган бемор болаларда кузатилган, бу сурункали отомикознинг ўткир ва кучайиши билан оғриган бемор болаларга қараганда икки баравар кўп (ҳар бири 10,0 ва 10,5%).

Бемор болаларнинг шикоятларига бундай дифференциал ёндашув бемор болани анамнез йиғиш босқичида жараён мавжудлигини тахмин қилиш имконини беради, бу эса ўз навбатида қулоқ яллиғланиш касалликлари билан оғриган бемор болаларни даволаш ва текширишнинг тўғри тактикасини шакллантиришга ёрдам беради.

Кейинчалик 120 нафар бемор боладан 78 тасида касаллик анамнезини йиғиш билан отомикоз ривожланишига мойил бўлган омиллар аниқланди. Унга кўра, тадқиқот давомида текширилган бемор болалар отомикозга мойил бўлган омиллар орасида биринчи ўрин - 35,3% қулоқни ўз-ўзини тозалаш пайтида ташқи эшитиш йўли терисининг жароҳатланиши, иккинчи ўринда антибиотиклардан фойдаланиш - 13,3%. Агар ўткир отомикознинг гуруҳлари бўйича қўзғатувчи омилларни, сурункали отомикознинг кучайиши ва сурункали отомикознинг кучаймасдан кучайишини кўриб чиқсак, унда омилларнинг тақсимланиши ҳар хил бўлади. Унга кўра, ўткир отомикоз ривожланишига мойил бўлган омиллар орасида қулоқни мустақил тозалаш жараёнида ташқи эшитиш каналининг терисини жароҳатлаш (43,47%) биринчи ўринда туради.

Бемор болаларда сурункали отомикознинг кучайиши пайтида, қўзғатувчи омиллар орасида биринчи ўринда қулоқни ўз-ўзини тозалаш пайтида ташқи эшитиш йўли терисининг шикастланиши 30,0% учради.

Тадиқот давомида сурункали отомикознинг ривожланиши ва қулоқнинг механик тирнаш хусусияти фонида сурункали яллиғланиш жараёнини сақлаб туриш учун қулоқни ўз-ўзини тозалаш пайтида ташқи эшитиш каналида жароҳатланиш кузатилди. Ўткир отомикознинг ривожланишини давом этаётган антибиотик терапияси фонида қулоқ микрофлорасининг бузилиши сифатида кўриб чиқиш мумкин, сўнгра ташқи эшитиш каналини тозалаш пайтида қулоқнинг механик тирнаш хусусияти фонида жараённинг сурункалилашуви ва кейинги кучайиши провокациялари жараёнлари вужудга келди.

Бемор болалардан қулоқ эшитиш йўлидан олтингугуртни тўғри, юмшоқ олиб ташлаш зарурлигини баҳолашда унинг бактерицид ва фунгицид хусусиятларини, ташқи эшитиш каналининг терисини салбий экзоген омиллардан механик ҳимоя қилишни ҳисобга олиш керак бўлди. Олтингугуртнинг ушбу ҳимоя хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, бемор болалар томонидан қулоқни тозалашда ташқи эшитиш каналининг травматизация омили яллиғланишли қулоқ касалликларининг ривожланишига олиб келишини ҳисобга олган ҳолда, биз бемор болаларга қулоқларини мустақил равишда тозалашни тавсия этмаймиз.

Бемор болаларнинг тадқиқот гуруҳида ўнг қулоқдаги жараённи локализация қилиш тенденцияси мавжуд бўлди. Ўнг қулоқ тез-тез таъсирланган - 60,0% ҳолларда, чап қулоқ - 40,0% ҳолларда кузатилди. Тадқиқотга бир томонлама ва икки томонлама қулоқ касаллиги билан оғриган

бемор болалар киритилган. Тадқиқотда кузатилган бемор болалар гуруҳида отомикозда бир томонлама ва икки томонлама қулоқ шикастланиши тахминан бир хил бўлади: бир томонлама қулоқ шикастланиши 67 кишида бўлиб, бу 55,8% ни ташкил этди, икки томонлама зарар 53 кишида 42,4%.

Бухоро вилояти шароитида отомикоз билан оғриган бемор болаларнинг кўпчилиги 6-10 ёшда эканлиги аниқланди. Бемор болаларнинг асосий шикоятлари қулоқдаги қичишиш шикоятлари – 20,1%, қулоқдаги тиқилиш ҳисси - 17,5%, қулоқдаги оғриқ - 15%, қулоқдан оқинди – 12,5%, қулоқдаги оғриқ шикоятлари устунлик қилди. Қулоқ тиқилиши ҳақидаги шикоятлар сурункали жараённинг кучайиши пайтида қулоқ оғриғи шикоятларига тенгдир (бемор болаларнинг 17,5%), бу билвосита қулоқдаги сурункали микотик жараёнларнинг кучайиши учун уларнинг хусусиятини кўрсатиши мумкин. Қулоқдаги ноқулайлик сурункали отомикоз билан оғриган бемор болаларнинг 10,8 фоизида кузатилган, бу сурункали отомикознинг ўткир тури билан оғриган бемор болаларга қараганда икки баравар кўп. Қулоқдаги намлик ҳисси ҳақида шикоятлар сурункали отомикозли бемор болалар томонидан кўпроқ қилинган шикоят ҳисобланди (бемор болаларнинг 7,5%).

Бухоро вилояти бўйича қулоқ яллиғланиши билан оғриган бемор болаларда ўтказилган бактериологик тадқиқотлар таҳлили натижаларига кўра, қулоқ яллиғланиши касаллиги билан касалланган бемор болаларнинг 16,4% Staphylococcus aureus, 6,6% Pseudomonas aeruginosa, 1,0% замбуруғ флораси (Candida жинсининг замбуруғлари), 4,1% да Staphylococcus epidermidis ажратилган. 62,0% ҳолларда тадқиқотлар натижалари салбий бўлиб, бу адабиёт маълумотларига маълумотларига кўра, фақат 38,0% ҳолларда отомикоз ташхиси микробиологик жиҳатдан тасдиқланган.

“Отомикоз” ташхиси билан касалланган бемор болаларнинг 37,6% ҳолларда Staphylococcus жинси микрофлораси экилган, 8,75% Aspergillus жинсининг, Pseudomonas 5,0% ҳолларда Pseudomonas ва Proteus жинси вакиллари ажратилган. 52,0% ҳолларда тадқиқотлар натижалари салбий бўлган. Агар биз замбуруғ флораси дастлабки ташхис билан биргаликда ажралмаларнинг натижаларини дастлабки ташхис ва микрофлоранинг табиати ўртасидаги мувофиқлик сифатида таҳлил қиладиган бўлсак, унда энг катта дастлабки ташхиси бўлган бемор болалар гуруҳига отомикоз диагностикаси қўйилди.

“Отомикоз” ташхиси қўйилган бемор болалар гуруҳида замбуруғ флорасини экишнинг энг юқори фоизи 12,5% ни ташкил қилади, Aspergillus жинсининг моғор замбуруғлари энг юқори диагностик коэффициентга эга. “Отомикоз”нинг дастлабки ташхиси, бу отомикознинг микробиологик тадқиқот натижаларини аниқлашда клиник маълумотларнинг етарли аҳамияти ва нисбатини кўрсатади. Отитнинг дастлабки ташхиси бўлган бемор болалар гуруҳида тескари ҳолат кузатилади. Бу гуруҳда отомикоз клиник жиҳатдан намоён бўлмаганига қарамай, натижаларнинг 12,5% замбуруғли микрофлорага

тегишли, бу эса даволаш зарурлигини кўрсатиши мумкин дастлабки ташхис ва оториноларинголог маълум бир назорат билан бемор болаларнинг ушбу тоифасига янада эҳтиёткорлик билан ёндашиш, шунингдек, отомикоз клиник кўринишлари ривожланиши олдин қулоқ бактериологик текширишда ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатади.

Замбуруғларни изоляция қилиш микроблар жамоасининг бузилишининг янада оғир шакли бўлиб, у янада мураккаб ва оғир клиник кўринишга мос келади ва бемор болаларнинг ушбу гуруҳини даволаш қийинлигини белгилайди.

Олинган маълумотлар Бухоро вилоятида отомикознинг кенг тарқалганлигини тасдиқлади, бу эса ушбу касалликни даволашни яхшилаш учун отомикозни озонатерапия билан комплекс даволаш имконияти ва самарадорлигини батафсил баҳолаш вазифасини ишлаб чиқишга ёрдам берди.

Шундай қилиб, Бухоро вилоятида қулоқларнинг яллиғланиш касалликлари билан касалланганларнинг 28,0%и Staphylococcus aureus, 11,36%и Pseudomonas aeruginosa, 6,6%и замбуруғ флораси (Candida жинсининг замбуруғлари) ажратилган. “Отомикоз” ташхиси қўйилган бемор болалар гуруҳида замбуруғ флорасини экишнинг энг юқори фоизи 8,75% ни ташкил этди, микробиологик тадқиқот отомикознинг дастлабки ташхисини қўйишда клиник маълумотларнинг етарлича аҳамияти ва ўзаро боғлиқлигини кўрсатади.

Хулоса: Бухоро шароитида болаларда отомикознинг кенг тарқалганлиги, иқлимнинг касалликнинг авж олиши ва қайталанишига сабаб бўлиши, нотўғри даволаш усулларининг қўлланиши касалликнинг давомийлигига, ҳамда болалар ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келмоқда.

Адабиётлар:

1. Азизов К. Н. и др. Оценка эффективности флюкопта при лечении отомикозов у детей //Научно-практический журнал ТИППМК. – 2011. – №. 4. – С. 5-6.
2. Иванова В. В., Болдина Н. В. Клиническая эффективность флуконазола в терапии отомикозов у детей //Инновационный потенциал развития общества: взгляд молодых ученых. – 2020. – С. 51-53.
3. Кунельская В. Я. и др. Диагностика и лечение наружного грибкового отита у детей //Российская оториноларингология. – 2016. – №. 3 (82). – С. 199-200.
4. Радциг Е. Ю. Возможности топической терапии отомикозов у детей //Педиатрия. Журнал им. ГН Сперанского. – 2011. – Т. 90. – №. 3. – С. 81-86.
5. Хисматуллина З. Р., Корешкова К. М., Абдурашитов Т. Р. Отомикоз: клиника, диагностика, лечение (обзор литературы) //Проблемы медицинской микологии. – 2020. – Т. 22. – №. 3. – С. 9-14.

6. Челидзе Н. Д., Пахомова О. Г. Особенности клинического течения отомикоза у детей //Российская оториноларингология. – 2003. – №. 3. – С. 144.

7. Яблонева В. Н. Оценка эффективности флуконазола при лечении отомикозов у детей //Педиатрическая фармакология. – 2006. – Т. 3. – №. 4. – С. 66-68.

«РЕЗУЛЬТАТЫ ОЦЕНКИ ГОНАДНОЙ ФУНКЦИИ ЖЕНЩИН РЕПРОДУКТИВНОГО ВОЗРАСТА С ГИПОТИРЕОЗОМ»

Холикова Адлия Омануллаевна
Республиканский Специализированный Научно-Практический Медицинский Центр Эндокринологии МЗ РУз имени акад. Ё.Х. Туракулова, зав.отделением нейроэндокринологии, доктор медицинских наук
Республика Узбекистан, 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека 56

Кенжаева Дилдора Ибрагимовна
Докторант Кашкадарьинского филиала
РСНПМЦЭ МЗ РУЗ имени акад. Ё.Х. Туракулова
Республика Узбекистан, Кашкадарьинская область,
г.Карши, махаллинский сход граждан Отчопар

АННОТАЦИЯ. Бесплодие, характеризующееся неспособностью забеременеть после 12 и более месяцев непрерывных незащищенных половых контактов [1], представляет собой серьезную проблему общественного здравоохранения с глубокими социально-экономическими последствиями [2,3]. Согласно текущим оценкам, бесплодием страдают примерно 17,5 % взрослого населения [4], при этом женский фактор составляет 50 % случаев [5].

Эндокринные расстройства оказывают существенное влияние на распространенность женского бесплодия [6], при этом дисфункция щитовидной железы становится преобладающим эндокринным расстройством у женщин репродуктивного возраста [7,8]. В этой конкретной популяции показатели распространенности заболеваний щитовидной железы варьируются от 5% до 7% для субклинического гипотиреоза (СГ), от 0,2% до 4,5% для явного гипотиреоза (ЯГ), от 0,3% до 1% для гипертиреоза и от 5% до 10% для аутоиммунных заболеваний щитовидной железы (АИЗЩЖ) [9].

Гормоны щитовидной железы играют ключевую роль в различных аспектах женской репродуктивной функции, начиная от фолликулогенеза и заканчивая плацентацией [10]. Учитывая, что функция щитовидной железы сложно регулируется гипоталамо-гипофизарной осью, изменения в функции щитовидной железы могут оказывать существенное влияние на репродуктивные процессы [8].

На сегодняшний день ряд вопросов остается без ответа, и продолжают появляться новые исследования по этой теме.

Вышеуказанное явилось основанием для настоящего исследования.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: гипотиреоз, женщины, диффузный зоб

ЦЕЛЬ ИССЛЕДОВАНИЯ – оценить результаты исследования гонадной функции у женщин репродуктивного возраста с гипотиреозом

МАТЕРИАЛ И МЕТОДЫ ИССЛЕДОВАНИЯ. Были изучены особенности репродуктивного здоровья у 51 женщин с диффузным зобом 1-2 ст с гипотиреозом, обратившихся по поводу нарушений менструального цикла в Кашкадарьинский филиал Республиканского Специализированного Научно-Практического Медицинского Центра Эндокринологии МЗ РУз имени акад. Ё.Х. Туракулова в течение 2025 года. Группа контроля состояла из 20-ти здоровых женщин и без нарушений менструального цикла.

По этиологическому фактору пациентки с ожирением были распределены на три группы: 1 гр. - пациентки с субклиническим гипотиреозом– 23 больных, 2 гр. - пациентки с манифестным гипотиреозом – 28 случаев и 3 гр.- группа контроля – 20 здоровых женщин.

Возраст пациенток в 1-й группе колебался от 20 до 39 лет и в среднем составил 28,3 ± 0,64 года. Во 2-й группе 22–37 лет, в среднем 30,4 ± 0,51года и в 3 группе - среднем 29,4 ± 0,51 года соответственно.

Критерии включения: первичный гипотиреоз, женщины, фертильный возраст

Критерии исключения: гипертиреоз, женщины старше 44 лет

Всем пациенткам проводился следующий спектр исследований, включавший общеклинические, биохимические исследования - общий анализ крови, мочи, АЛТ, АСТ, билирубин, гормональные методы исследования крови (ТТГ, свободный тироксин, антитела к рТТГ, пролактин, лютеинизирующий гормон (ЛГ), фолликулостимулирующий гормон (ФСГ), эстрадиол, прогестерон, свободный тестостерон, на 7й, 14 й и 21й дни цикла), ЭКГ, УЗИ матки и яичников с фолликулометрией на 14 дни цикла. При необходимости выполнялся оральный глюкозо-толерантный тест.

Полученные данные обрабатывали с помощью компьютерных программ Microsoft Excel и STATISTICA_6. Вычислялись средние значения (M), стандартные отклонения средних (m). Достоверность различий в уровне между группами оценивалась по величине доверительного интервала и критерия Стьюдента (p). Различия считали статистически значимыми при $p<0,05$.

РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЯ. Все пациентки составили возрастную категорию молодых от 18 до 44 лет – 51случаев (100%).
Наиболее часто встречались пациенты с ИМТ 1 степени ожирения - 22 (43.1%) пациентки, на втором месте были пациентки с избыточной массой тела – 18 (35.3%) больных и на третьем месте – пациентки с ожирением 2 степени – 11 (21.6%) лиц.

В 1 группе пациенток отмечалось недостоверное снижение как гипофизарных, так и овариальных гормонов на фоне нормопролактинемии и нормоандрогенемии. Так, по сравнению с группой контроля на 14й день цикла были недостоверно снижены ЛГ, ФСГ в пределах нормы, а также эстрадиол, прогестерон были снижены недостоверно. ($p >0,05$).

Во 2й группе пациенток также было выявлено достоверное снижение как гипофизарных, так и овариальных гормонов на фоне выраженной

гиперпролактинемии и явного снижения овариальной функции Так, по сравнению с группой контроля на 14й день цикла были достоверно снижены ЛГ, ФСГ, при этом свободный тестостерон – был повышены по сравнению с контрольными данными. ($p<0,05$).

Имело место доминирование нарушений менструального цикла во 2 группе пациенток в сравнении с первой группой. Так, в этой группе чаще всего встречались такие нарушения как вторичная аменорея - 15 (53.6%), гиперполименоррея - 10 (35,7%), ановуляция-15 (53,6%) и первичное бесплодие - 12 (42.9%).

ВЫВОДЫ. 1.Наиболее выраженные нарушения менструальной функции наблюдались у пациенток с манифестным гипотиреозом. 2. Вторая степень ожирения чаще встречалась во 2 группе пациенток -30 пациенток из 51 (58.8%).

БИБЛИОГРАФИЯ

- 1. D. Unuane *et al.* Impact of thyroid disease on fertility and assisted conceptionBest Pract Res Clin Endocrinol Metabol (2020)
- 2. A.N. Wakim *et al.*Thyroid hormones in human follicular fluid and thyroid hormone receptors in human granulosa cellsFertil Steril(1993)
- 3.M. Heredia Benito *et al.*Fármacos e infertilidad: revisiónClin Investig Ginecol Obstet(2012 Mar 1)
- 4.G. Vannucchi *et al.*Thyroid pathology and female fertility: myth or reality?Ann Endocrinol(2022)
- 5.Y.Y. Luan *et al.*Immune regulation in polycystic ovary syndromeClin Chim Acta(2022)
- 6.L. Persani *et al.*Primary ovarian insufficiency: X chromosome defects and autoimmunityJ Autoimmun(2009)
- 7.H. He *et al.*Effect of thyroid autoimmunity per se on assisted reproduction treatment outcomes: a meta-analysisTaiwan J Obstet Gynecol(2016 Apr)
- 8.Y. Cai *et al.*Outcome of in vitro fertilization in women with subclinical hypothyroidism.Reprod Biol Endocrinol.(2017 May 25)
- 9.P.G. CrosignaniManagement of hyperprolactinemic infertility.Middle East Fertil Soc J(2012 Jun 1)
- 10.S.A. Carson *et al.*Diagnosis and management of infertility: a reviewJAMA (2021)

ФАРМАЦЕВТИКА ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

ANTIBAKTERIAL TA’SIRLI INFUZION ERITMANING SIFAT KO’RSATKICHLARINI ANIQLASH

M.K.Usmonova
Alfraganus universiteti,
Farmatsevtika va kimyo kafedrasi
v.b.dotsenti (PhD)
Toshkent, O’zbekiston
e-mail: m.usmonova@afu.uz
Orcid: https//orcid.org/0009-0008-0644-4426

Ushbu izlanishlar keng ta’sir doirasiga ega sintetik antibakterial infuzion eritmaning sifat ko’rsatkichlarini aniqlashga bag’ishlangan.

Kalit so’zlar: infuzion eritma, levfloksatsin, namuna, O’zR DF

Dolzarbligi: Hozirgi vaqtda sanoat miqyosida eng ko’p ishlab chiqarilayotgan tayyor dori vositalar ichida infuzion eritmalar yetakchi o’rinlardan xisoblanadi. Darhaqiqat, infuzion eritmalar qon hajmini tez tiklaydi, yo'qotilgan suyuqlik va qon hajmini tezda o'rniga keltiradi, tuzlar muvozanatini saqlaydi va kasallikda bemorga ozuqa moddalarini yetkazib berishda muhim rol o’ynaydi.

Tadqiqotning maqsadi sintetik antibakterial levfloksatsin substansiyasi asosida infuzion eritmaning sifat ko’rsatkichlarini aniqlashga qaratilgan.

Usul va uslublar: Levfloksatsin substansiyasi asosida infuziya dori vositasini texnologiyasini ishlab chiqarish maqsadida 10 ga yaqin dastlabki namunalar tayyorlandi va ular ichida natijalari qoniqarli hisoblangan 2 ta tarkib tanlab olindi. Tanlab olingan tarkiblar laboratoriya sharoitida kichik hajmda tayyorlandi va ularni O’zR DF sida keltirilgan me’yoriy hujjatlar talabi bo’yicha tashqi ko’rinishi, tiniqligi, rangliligi, sterilligi, toksikligi, pH, chinligi, mexanik qo’shimchalari, bakterial endotoksinligi, osmolyalligi, miqdoriy tahlili o’rganildi.

Tadqiqot natijalari va muhokamasi. Olib borilgan tadqiqot natijalariga ko’ra levfloksatsin substansiyasi asosida tayyorlangan tarkib modellaridan biri tanlab olindi va tahlil qilindi. Bunda infusion eritmaning tashqi ko’rinishi shaffof, rangsiz yoki och sariq rangli eritma bo’ldi, Rangi GY_1 etalonidan intensiv bo‘lmasligi kerak, tiniqligi preparat in’eksiya uchun suv bilan solishtirganda shaffof. Sterilligi ham ijobiy natijani namoyon etdi. Eritmlarning pH qiymati potensiometrik usulda aniqlandi va unga ko’ra natijalar 3,5 – 5,5 oralig’ida ekanligi aniqlandi. Bakterial endotoksinlar 1,75 ME/ml dan oshmadi. Zaharliligi bo’yicha esa preparat zaharli bo‘lmasligi kerak. O’zR DF me’yoriy hujjatlariga asosan ko’zga ko‘rinadigan zarrachalar bo‘lmasligi kerak. Ko’zga ko‘rinmaydigan zarrachalar: 25 mkm — 600 tadan ko‘p emas/flakon**,** 10 mkm — 6000 tadan ko‘p emas/flakon dan oshmadi. Osmotik konsentratsiyasi 312–480 mOsmol/kg ga teng bo’ldi. Eritmaning chinligi YUSSX (yuqori samarali suyuqlik xromatografiyasi) usuli bilan aniqlanadi. Sinov

eritmasidagi levofloksatsin va ornidazol piklarining ushlanish vaqti taqqoslash eritmasidagi mos piklar bilan ±2% farqdan oshmasligi kerak. Qo‘shimcha reaksiyalar: Dinatriy edetat uchun — cho‘kma hosil bo‘lmasligi kerak. Natriy uchun — xarakterli reaksiya. Xloridlar — oq cho‘kma hosil bo‘ldi. Miqdoriy tahlil natijalariga ko’ra esa YUSSX (yuqori samarali suyuqlik xromatografiyasi) usuli bilan aniqlanadi va natija levofloksatsin 4,5 – 5,5 mg/ml ni ko’rsatdi. Natriy xlorid titrimetrik usul bilan aniqlanadi va natija 8,1–9,9 mg/ml ni tashkil etdi.

Xulosa. Olib borilgan tajribalarda levfloksatsin substansiyasi asosida infuziya dori vositasining sifat ko’rsatkichlari aniqlandi. Ularning tashqi ko’rinishi, tiniqligi, rangliligi, sterilligi, toksikligi, pH, chinligi, mexanik qo’shimchalari, bakterial endotoksinligi, osmolyalligi, miqdoriy tahlili o’rganildi va ularni O’zR DF hujjati me’yorlariga mos ekanligi aniqlandi.

Adabiyotlar ro’yxati:

1. O’zbekiston Respublikasi davlat farmakopeyasi 1-nashr, 1-jild, 1-qism. Toshkent.-2021.
2. M.K Usmonova, F.X Maksudova, M.X Tursunova, Sh.B Yusupova. Изучение острой токсичности и специфической активности препарата «Фордекса» Eurasian journal of medical and natural sciences 4 (4), 188-192.
3. F.Kh.Maksudova, M.K Usmonova, M.M Khamdamov. Selection of composition and development of technology “fordexa” injection drug form. Central asian journal of Medical and natural sciences 5 (5), 861-870.

MUNDARIJA / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS

ҲУҚУҚ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич
ҲИСОБ ПАЛАТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МИСОЛИДА……6
Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич
ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БЮДЖЕТ ВА БЮДЖЕТ НАЗОРАТИНИНГ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛИ……...9

ФАЛСАФА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Urakov Sardor Sobirjon o‘g‘li
YOSHLAR IJTIMOIY FAOLLIGINI OSHIRISHDA MA’NAVIY-AXLOQIY TARBIYANING O‘RNI.....12

СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДАГИ ТУТГАН ЎРНИ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Кулбекова Насиба Закировна
ИНСОН САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ОМИЛИНИНГ РОЛИ……17
Кулбекова Насиба Закировна
МЕРИТОКРАТИК ДАВЛАТ ШАРОИТИДА ИНСОН САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ……...22

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Asadova Fotima Nusratovna
SHAXS OTI VA MILLIY-MADANIY TASHIQ ISHROTI: O‘ZBEK VA NEMIS ANTROPONIMLARINING LINGVOKULTUROLOGIK VA LINGVOPRAGMATIK QIYOSTAHLILI……..28
Асадова Фотима Нусратовна
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЙ И ЛИНГВОПРАГМАТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ КОНЦЕПТА «СУЕВЕРИЕ» В РУССКОЙ И УЗБЕКСКОЙ ЯЗЫКОВЫХ КАРТИНАХ МИРА……31

ИҚТИСОД ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Aslanova Dilbar Khasanovna, Safarova Dilshoda Farrukhovna
IMPROVING THE DIGITAL MARKET OF NATIONAL HANDICRAFT PRODUCTS……34
Sulaymonova Munojat Dilshodbek qizi, Ismailova Nilufar Mardonbek qizi
ICHKI TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI MARKETINGDAN SAMARALI FOYDALANISH……..40

ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Sultonova Sevara Ilyos qizi, Otaboyev Murodali Muzaffar o'g'li
BETON VA TEMIRBETON CHIQINDILARINI MAYDALAB IKKILAMCHI CHAQIQTOSH ISHLAB CHIQARISH SEXINI LOYIHALASH……43
S.I. Nurmuxamedov, O.G'. Solayev
YO'LBOP KLINKER TOSHLARINI ISHLAB CHIQARISH KORXONASINI TEXNOLOGIK JIHATDAN LOYIHALASH……46

БИОМЕДИЦИНА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Sulaymonov Juraboy Orifjon ogli, Amonov Murad Halimovich
COURSE OF OTOMYCOSIS DISEASE IN CHILDREN……49
Сулаймонов Жўрабой Ориф ўғли, Амонов Мурод Халимович
БОЛАЛАРДА БУХОРО ШАРОИТИДА ОТОМИКОЗ ТАРҚАЛИШИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ……52
Холикова Адлия Омануллаевна, Кенжаева Дилдора Ибрагимовна
РЕЗУЛЬТАТЫ ОЦЕНКИ ГОНАДНОЙ ФУНКЦИИ ЖЕНЩИН РЕПРОДУКТИВНОГО ВОЗРАСТА С ГИПОТИРЕОЗОМ……57

ФАРМАЦЕВТИКА ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

M.K.Usmonova
ANTIBAKTERIAL TA'SIRLI INFUZION ERITMANING SIFAT KO'RSATKICHLARINI ANIQLASH……60

TADQIQOT.UZ ТОМОНИДАН
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

”ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР” МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 93-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

(1-қисм)

Маъсул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович

Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Эълон қилиш муддати: 31.10.2026